




ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ



**“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ-КУРАШ-
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
УСТУВОР ШАРТИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Қ.Сулаймонов ФарДУ,
Фуқаролик жамият кафедраси
доценти, т.ф.н.

2021

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ва ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи: **Қ.Сулаймонов ФарДУ, Фуқаролик
жамият кафедраси доценти, т.ф.н.**

Такризчилар: **А.Ташанов- Халқаро Ислом академияси
доценти, с.ф.б.ф.д. (PhD)
Б.Толипов - Тошкент Ахборот
технологиялари университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	18
III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....	30
IV. АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....	83
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	105
VI. ГЛОССАРИЙ.....	106
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	111

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, замонавий концепцияларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу ижобий жиҳатлари (тамойиллари ва белгиларини) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти фанини олий таълим тизимида ўқитиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда **“Коррупцияга қарши кураш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шarti”** модули айнан Олий таълим тизимида “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” “Миллий ғоя. Фуқаролик жамияти” фанларидан дарс берадиган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга мулжалланган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Коррупцияга қарши кураш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси мутахассислик фанлари блокадаги асосий модуллардан бири бўлиб, унда фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепсиялар, эришилган ютуқлар, истиқболдаги вазифаларни, “Ҳаркатлар стратегияси” асосий йўналишларининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ва уни ўқитиш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

Модулнинг вазифалари:

- Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик
- Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя, назария, ёндошув ва замонавий концепсияларининг, асосий йўналишлари тўғрисида тушунчалар бериш;
- олий таълим муассалари педагог кадрларини Фуқаролик жамияти куриш соҳасидаги янги ғоя, ёндошувлар ва эришилган янгиликлар билан таништириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Коррупцияга қарши кураш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи:

- фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя ва назариялар эволюциясининг асосий йўналишларини, коррупция тушунчасини
- фуқаролик жамияти замонавий концепсияларининг мазмун моҳиятини;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши бўйича жаҳон ҳамжамиятидаги эришилган ютуқларни;
- янги инновацион, педагогик технологияларни ва уларнинг халқаро қиёсий таҳлилини;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти соҳасига оид янги назарий қарашлар ва концепцияларни, илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилишни;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти соҳасига оид назарий ва амалий масалаларини ечиши, янги технологияларни ва дастурлар пакетларини

қўллашни;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни *билиши зарур*;

Тингловчи:

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

- янги педагогик технологияларни қўллаш;

- фуқаролик жамияти соҳасида ахборот технологиялари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;

- янги ғояларни яратиш ва илмий-тадқиқот ишларини мустақил олиб бориш қобилиятига ҳамда илмий жамоада ишлаш *кўникмаларга эга бўлиши керак*:

Тингловчи:

- тингловчиларни ўзига жалб қилган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида фанни тушунтириш;

- фуқаролик жамиятини қуришсоҳаси бўйича фаолиятнинг илмий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида фаол иштирок этиш;

- соҳа бўйича жаҳон тажрибаларини таҳлил қилиш учун хорижий тиллардан бирида эркин сўзлашув *малакаларга эга бўлиши керак*:

Тингловчи:

- замонавий ва инновацион таълим муҳитини бошқариш;

- фуқаролик жамияти бўйича замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

- фуқаролик жамияти соҳаси бўйича тингловчиларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш *компетенцияларни эгаллаши лозим*.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Коррупцияга қарши кураш -фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” модули материаллари билан курс тингловчиларини таништириш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, компьютер технологиялари, интернет тармоғидан олинган янгиликларни қўллаш усулидан фойдаланилади. Маъруза дарсларида презентация усулида, амалий машғулотларда ақлий хужум, Хулосалаш методи, SWOT таҳлили каби усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Амалий машғулотларда соҳадаги янгиликлар билан танишиш, улардан таълим муассасасида мутахассисларга билим беришда фойдаланиш кўзда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Коррупцияга қарши кураш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади. Бунда модулнинг бакалавр босқичи 1 блок фанларининг боғлиқлиги эътиборга олинади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Коррупцияга қарши кураш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишдаги технологик ёндошув асосларини, бу борадаги илғор тажриба ва янгиликларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий ютуқларга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					Мустақил таълим
			жами	жумладан				
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	4	4	2	2			
2.	Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар	4	4	2	2			
3.	Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари	8	8	4	4			
4.	“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари	6	6	4	2			
5.	Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти	4	4	2	2			
Жами:		26	26	14	12			

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Режа:

1. Коррупция тушунча ва унинг мазмун-моҳияти. Инсоният ривожланишининг тарихий босқичларида коррупция кўринишлари ва унга қарши курашиш йўллари.

2. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва норматив-меёрий ҳужжатлар. Жаҳонда коррупцияга қарши курашишнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари. Ривожланган мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш тажрибаси ва ютуқлари.

3. Жамиятда коррупцияга қарши курашишда юзага келадиган муаммолар. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган қонунларнинг халқаро нормалар билан мувофиқлиги. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик асослари

2-МАВЗУ: Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар

Режа:

1. “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”нинг мазмун-моҳияти ва бошқа халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши.

2. Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорининг мазмуни ва уларда белгиланган устувор вазифалар, ҳамда йўналишлар.

3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар: ютуқ ва камчиликлар.

3-МАВЗУ: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари

Режа:

1. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш субъектлари. Коррупцияга қарши кураш идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.

2. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқароларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси ва уларнинг фаоллигини ошириш механизмлари.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда коррупцияга қарши курашишнинг зарурлиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтиришда коррупцияга қарши курашишнинг аҳамияти.

4-МАВЗУ: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари

Режа:

1. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги даврида коррупцияга қаршиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамалакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар.

2. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.

3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва истиқболли режаларнинг ишлаб чиқилиши.

5-МАВЗУ: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти

Режа:

1. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хослиги ва натижалари.
2. Фуқаролик жамияти ва адолатли жамият қуришда коррупцияга қарши курашиш асосий мезон сифатида.
3. Коррупцияга қарши курашиш - ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида. Коррупцияга қарши курашишда фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ошириш устувор йўналиш сифатида.

АМАЛИЙ МАСЪУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Коррупция тушунча ва унинг мазмун-моҳияти. Инсоният ривожланишининг тарихий босқичларида коррупция кўринишлари ва унга қарши курашиш йўллари. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва норматив-меърий ҳужжатлар. Жаҳонда коррупцияга қарши курашишнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари. Ривожланган мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш тажрибаси ва ютуқлари. Жамиятда коррупцияга қарши курашишда юзага келадиган муаммолар. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган қонунларнинг халқаро нормалар билан мувофиқлиги. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик асослари

2-МАВЗУ: Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар

“Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”нинг мазмун-моҳияти ва бошқа халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорининг мазмуни ва уларда белгиланган устувор вазифалар,

хамда йўналишлар. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар: ютуқ ва камчиликлар.

3-МАВЗУ: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш субъектлари. Коррупцияга қарши кураш идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқароларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси ва уларнинг фаоллигини ошириш механизмлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда коррупцияга қарши курашишнинг зарурлиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтиришда коррупцияга қарши курашишнинг аҳамияти.

4-МАВЗУ: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари

Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги даврида коррупцияга қаршиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамалакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва истиқболли режаларнинг ишлаб чиқилиши.

5-МАВЗУ: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти

Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хослиги ва натижалари. Фуқаролик жамияти ва адолатли жамият куришда коррупцияга қарши курашиш асосий мезон

сифатида. Коррупцияга қарши курашиш - ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида. Коррупцияга қарши курашишда фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ошириш устувор йўналиш сифатида.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фақат фақат бундан бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

18. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

19. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

20. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

21. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

22. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

23. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

24. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

25. Борис Капустин Гражданство и гражданское общество. – М.: “Высшая школа экономики”. 2011. – 224 с.

26. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

27. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.

28. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.

29. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.
30. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.
31. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
32. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
33. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
34. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.
35. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал таракқиёт ва янгилашиш сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
36. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.
37. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услужий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
38. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
39. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
40. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.
https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
41. Р.Хасанов, А.Ўтамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Ўқув қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.
42. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
43. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с англ. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.
44. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан

ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.

45. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.: “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.

47. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.

48. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.

49. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Ғоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учкунлари”, 2018. – 96 б.

50. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.

51. Ҳакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

IV. Интернет сайтлар

52. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.

53. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

54. www.Ziyonet.Uz

55. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

56. <https://foxford.ru/wiki/obschestvoznanie/grazhdanskoe-obschestvo>

57. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>

58. https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyrl

59. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>

60. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. «Баҳслашув» технологияси

Тингловчиларнинг ўқув гуруҳларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида баҳслар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар талаба (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс мавзуларини талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида талаба (ёки ўқувчи)лар ўз фикрларини баён эта олмайдилар ёки баҳсга кўшилиб ўз фикрларини исботлаб, ҳимоя қила олмайдилар. Баҳслар талаба (ёки ўқувчи)ларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган ҳолда тўғри шарҳлашга, ўз ҳолатларида туришга, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилик кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир қаторда ўртоқлари билан суҳбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Баҳсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуйида баҳсларга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратиш кераклигини баъзи бир босқичларини ажратиб кўрсатмоқчимиз:

- баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш;
- тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш;
- олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш;
- талабаларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларини тўларок ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш;
- баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш;
- баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш;
- баҳслашиш қоидаларини рангли, кўرғазмали этиб тайёрлаш.

Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс мобайнида танишиб олишлари керак. Улар қўйидагича бўлиши мумкин:

- баҳслашишдан олдин, аввал нима демоқчи бўлганингни яхшилаб ўйлаб олиш;

- гапираётганингда фикрларни аниқ, содда, мантиқан ва кетма-кетлик билан баён қилиш;

- фақат ҳаяжонга солаётган, ишончи комил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қилиш, билмаган, ишонмаган фикрлар билан баҳслашмаслик;

- кимнингдир фикрига кўшилмаса, уни фикрини масҳараламай, унинг устидан кулмай, хатосини айтмай ҳақгўйлик билан баҳслашиш;

- айтилган фикрларни иккинчи бор қайтармасдан, янги фикр бўлсагина ўша фикрни баён этиш;

- баҳслашув вақтида кўлларни ҳар томонга ўйнатмасдан, овозни баландлатмасдан, бақирмасдан гапириш. Агар бошқаларни ўз фикрингга ишонтирмоқчи бўлсанг, уларни сенинг фикрингга қўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрингнинг исботига, албатта, аниқ далиллар, мисоллар келтириш;

- баҳшлашаётган суҳбатдошни ҳурмат қилиш, уни хафа қилмаслик, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқларни қилмасликка ҳаракат қилиш. Агар шундай қилинса, фақат баҳслашувда кучли эканлигингни кўрсатибгина қолмай, балки баҳслашув борасида қандай маданиятга эга эканлигини ҳам кўрсатган бўлади.

Юқорида кўрсатилган қоидалар чиройли рангли қилиб безатилган ҳолда ўзоқдан кўринадиган қилиб ёзилиб баҳс ўтадиган жойга олдиндан илиб кўйилади ёки шунга ўхшаш қоидаларни баҳсни бошлашдан олдин баҳс иштирокчилари билан биргаликда уларнинг берган таклифлари асосида тўзиб, шу ернинг ўзвда қоғозга (хона тахтасига, бирон тахтага) ёзиб қўйиш мумкин.

Баҳс ўтаётган жойни жиҳозлаш ва безашда буюк педагог олимлар, мутафаккир ва донишмандлар фикрларини ёзиб кўринарли жойга илиб қўйиш мумкин. Масалан:

«Қоидани унутма:

Маънодан ўзоқ кетма

Гапни чўзма оз гапир

Кенг маъноли созгапир».

Баҳсда муҳожама қилинадиган саволлар, муаммолар талаба (ёки ўқувчи)ларни ҳаяжонлантирадиган, куюнтирадиган, замонавий, уларнинг ҳаёт тарзига тегишли бўлгани маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотида ва бошқа жойларда гапиришдан кўрқадиган, уяладиган талаба (ёки ўқувчи)лар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

Таълим муассасаларида кечки пайт ўқишдан бўш вақтларда ётоқхонадаги «Маънавият ва маърифат» хонасида, ёки бирон кичик талаба

(ёки ўқувчи)лар чойхонасида, қолаверса, агар имкони бўлса гулхан атрофида ҳам баҳслар ўтказса бўлади. Очик табиат қўйнида гулхан атрофидаги давраларда талаба (ёки ўқувчи)ларнинг эркин ҳолдаги баҳслари қизиқарлироқ, ҳамда ишончлироқ ўтади. Бундай пайтларда талаба (ёки ўқувчи)лар ўзларини жуда эркин ҳис этадилар ва ўз фикрларини бемалол тортинмасдан, қийналмасдан айта оладилар. Бундай гулхан атрофидаги баҳсларни бир неча гуруҳлар билан ўтказиш мумкин.

Ўтказиладиган баҳсларнинг мавзуларини тўзишга талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўзлари, уларнинг ҳаётий тажриба (ёки ёшлар ҳаётидаги муаммолар, турли болалар ва ёшлар ҳақидаги асарлар, газета ва журналлардаги мақола)лари ёрдам бериши мумкин. Биз қуйида баҳслар учун баъзи бир мавзуларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- Ҳозирги замон комил инсон деб кимни айтса бўлади?
- Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?
- Сен қандай яшаяпсан? Ҳаётинг қизиқарлими?
- Ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак?
- Менинг ҳарактерим шундай...
- Бепарволик қаердан келиб чиқади?
- Мода ва мен.
- Бепул нарсанинг баҳоси қанча?
- Нима савоб-у, нима гуноҳ?
- ва бошқалар.

Баҳсларни ўтказиш учун талаба (ёки ўқувчи)лардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади, улар баҳсни муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Баҳс давомида эса бошқарувчилар баҳслашувчилар, сўзга чиқувчиларнинг билдираётган фикрларини диққат билан эшитиб, фикрлар тўқнашувини ўз вақтида очиб борадилар ҳамда умумий хулоса қилишга ҳаракат қиладилар. Баҳсни олиб борувчиларни танлаш ва уларни тайёрлашда ўқитувчи (мураббий)ларнинг хизматлари катта. Баҳсни талаба (ёки ўқувчи)лардан танланган бошқарувчилар олиб борсада, лекин ўқитувчи (мураббий)лар баҳс давомида уларга ёрдам беришга тайёр туришлари керак, чунки баҳр давомида турли вазиятлар, қийинчиликлар туғилиши мумкин. Одатда баҳслар ўқитувчилар томонидан муҳокама этилган ёки ечилган муаммоларни умумлаштириш ҳамда бирор керакли тавсиялар бериш ва келгусида ўтказиладиган баҳслар мавзусини аниқлаш билан тугалланади.

Баъзи бир мавзудаги баҳсларни ўтказиш учун тахминий саволларни келтирамиз:

Мавзу: Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?

Саволлар:

- Инсон маданияти нималардан ташкил топади?
- Маданиятли инсонга тегишли қуйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга қўйган бўлардингиз (хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлилик, нотиклик)?
- Барча маълумотли инсонларни маданиятли деб атаса бўладими?
- Инсонларнинг сўзлашуви, нутқига қараб, уларнинг маданиятли эканликларини аниқласа бўладими?
- Маданиятли бўлиш учун нима қилиш керак?
- Кимларни маданиятли деса бўлади?
- Сен ўзингни маданиятли ҳисоблайсанми?

Мавзу: Менинг ҳарактерим шундай...

Саволлар:

- Ҳарактерли ва ҳарактерсиз - нима дегани?
- Нима учун ҳарактерни тарбиялаш керак? Умуман тарбиялаш керакми?
- Ҳарактерни тўзатса бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?
- Инсон ҳарактерига у яшаётган, ўқиётган жамоанинг таъсири бўлиши мумкинми? Бўлса қандай?
- «Яхши», «ёмон» ҳарактер. Буни сен қандай тушунасан?

Мавзу: Бепул нарсанинг баҳоси қанча?

Саволлар:

1. «Бепул нарса», сен бу иборани қандай тушунасан?
2. Сен учун бепул бўлган нарсаларнинг баҳоси борми? Бор бўлса қандай? Мисоллар келтир (ўқиш жойингдан, уйдан ва бошқалардан).
3. Бепул нарсани асраш - авайлаш керакми? Нима учун?
4. Нима кўпроқ бепул ҳисобланади «Меники»ми ёки «Бизники» ?
5. Сен ўқиётган ўқув даргоҳи ўз баҳосига эгами? Сенинг фикрингча у қанча туради? Бу ерда сен бепул фойдаланаётган нарсалар: спорт жиҳозлари, кутубхона, компьютерлар ўз қийматига эгами?
6. Агар ҳамма сен учун яратилган шароитдаги бепул нарсалар ўз қийматига эга бўлса, сен уларни қандай асраган бўлардинг?

2.Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармокли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида

аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустахкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Намуна

Дифференциал, интеграцион, масофавий таълим					
Дифференциал т.		Интеграцион таълим		масофавий таълим	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

3.ФСМУ технологияси

Технологиянинг характеристикаси. Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўқув машғулотлари ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бақслашишга, шу билан қаторда ўқувчи-талабалар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни бақслашиш маданиятига ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ушбу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ҳар бир талаба (ёки ўқувчи)га **ФСМУ** технологиясининг тўрт

босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади. Бу ерда:

- Ф — фикрингизни баён этинг;
- С — фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- М — кўрсатган сабабингизни асословчи далил келтиринг;
- У — фикрингизни умумлаштиринг.

- ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)лар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;

- якка тартибдаги иш тугагач, талаба (ёки ўқувчи)лар кичик гуруҳларга ажратилади ва кичик гуруҳларга ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

- кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;

- ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида химоя қилишларини сўрайди;

- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси

Вазифа. Педагогик технология ўзини оқлайди!» мавзуси бўйича куйидаги фикрларингизни баён этинг:

- (Ф) - фикрингизни баён этинг;
- (С) - фикрингиз сабабига бирон сабаб кўрсатинг;
- (М)- кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;
- (У) - фикрингизни умумлаштиринг.

4.Ролли-ишчан ўйин «консенсус и конфронтация»

(«Келишув ва зиддият»)

Технологиянинг мақсади: талаба (ёки ўқувчи)ларда мантиқий ва танқидий фикрлаш ҳамда муросага келиш маҳоратини шакллантириш ва болалар ҳуқуқлари муаммолари билан боғлиқ бўлган тушунчаларини аниқлаш.

Машғулотни ўтказиш кетма-кетлиги:

1. Ўйинни бошлаш.

Мазкур босқичнинг вазифаси: у ёки бу фикрни тўғри эканлигини исботлаш орқали оппонентларни ўз томонига оғдириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Талаба (ёки ўқувчи)ларга бирин-кетин тасдиқловчи фикр ёзилган

тарқатма материаллар кўрсатилади. Уларга тарқатма материалларда берилган фикрларни қабул қилиш ёки қилмаслик таклиф қилинади. Тарқатма материаллардаги фикрларни қабул қилган талаба (ёки ўқувчи)лар бир томондан, қолганлари иккинчи томондан жой эгаллайдилар. Шундай қилиб гуруҳ 2 та кичик гуруҳларга ажраландилар. Улардан бири тасдиқланган фикрни қабул қилади ва унинг тўғрилигини исботлайди, бошқа гуруҳ оппонент бўлади. Гуруҳларнинг вазифалари - ўз гуруҳларига бошқа гуруҳ азоларидан кўпроқ кишини жалб қилиш, яъни уларнинг ўз фикрларини ўзгартиришга олиб келишдан иборатдир. Ҳар бир тасдиқланган фикр устида 5 дақиқа ишланади.

Тарқатма материалдаги тасдиқланган фикрлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- болалар ҳуқуқлари ҳеч қачон етарлича ҳимоя қилинмайди;
- ўзининг ҳуқуқларини билиш ва уни ҳимоя қилиш шарафли ишдир;
- «Болалар шахсий ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгадирлар» бу ҳақиқатни катталар ҳеч қачон қабул қилолмайдилар;
- ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила туриб, баъзида ўзаро зиддиятларга ҳам боришига тўғри келади;
- ўз ҳуқуқларимни ҳимоя қила оламан, турли услубларни маъқуллай оламан;
- ҳар бир бола учун ўз ҳуқуқларини билиш ўта муқимдир;
- маъсулият ҳақида эса болага катталар эслатиб туришади;
- ҳамма вақт менинг ҳуқуқларим бошқалар ҳуқуқларини чегаралаб туради;
- ҳуқуқ доимо жавобгарликни сезишни тақозо этади;
- болалар ҳуқуқларини фақат катталар ҳимоя қила оладилар;
- ҳар бир инсон ўз қарашларини ўзгартириш ҳуқуқига эга;
- катталар ҳуқуқлари болаларнинг ҳуқуқларини чегаралайди;
- кучли одам ҳамини ҳақдир;
- эркаклар ва аёллар ҳеч қачон тенг бўлмайдилар.

2. Таҳлил:

Мазкур босқичнинг вазифаси: ўйинни ўтказиш вақтида ўз ҳолатини таҳлил қила олиш ва қуйидаги саволларга жавоб бериш:

- Ўйин шартларини бажариш қийин бўлдимми?
- Мазкур ишни бажариш вақтида нималарни ҳис этдингиз?
- Баҳс - мунозара натижасидан қониқдингизми?
- Натижага эришишингизда Сизга нима ёрдам берди ва нима халақит берди?

Бу фаолият ҳамкорликда ўтиши, кўтаринкилик руҳида бўлиши, суҳбатдош чарчамаслиги ва яхши натижа билан тугаши керак.

Баҳс-мунозараларнинг натижасини албатта таҳлил қилиш ва баҳолаш керак. Унинг муваффақияти: *биринчидан*, гуруҳлар ва уларнинг иштирокчи (ҳамкор)ларини бир-бирларига ўзларининг вазиятлари ва ҳолатларини тушунтириб янги ахборотлар олишларига, *иккинчидан*, ўзаро муносабат вақтидаги зиддият (ёки салбий ҳолат)ни бир қисмини йўқ қилинишига эришишларига, *учинчидан*, қўйилган муаммони ечиб ўзаро бир-бирларини тушунишларига боғлиқ.

3. Мурасага келишишнинг кичик гуруҳда (жуфтликда) ташкил этилиши.

Мазкур босқичнинг вазифаси: икки оппонент ўртасидаги у ёки бу нарса-ни тасдиқланиш розилигига эришиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Талаба (ёки ўқувчи)ларга бирон-бир тасдиқданган фикрни танлаш таклиф этилади. Бу биргаликдаги иш қуйидаги кўринишда: бир киши тасдиқловчи -иккинчи киши инкор этувчи бўлади. Бу фаолият якунида маълум бир жуфтлик-лар аниқпанади (ёки уч қатнашчи агар кичик гуруҳда уч киши бўлса). 10 дақиқа мобайнида конструктив баҳс-мунозара кўникмаси ёрдамида мураса (консен-сус)га эришиш керак.

Муҳокама қилиш учун таҳминий саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Сизга ўйин шартларини бажариш қийин бўлмадими?

- Ўйин давомида Сиз нималарни хис этдингиз?

- Баҳс - мунозара натижасидан қониқдингизми?

- Натижага эришишда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Машғулот охирида ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятларига баҳо беради ва машғулотни якунлайди.

5. «Тушунчалар таҳлили» услуби

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ёдга олиш, бирон - бир мавзу бўйича ўқитувчи», томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талаба (ёки ўқувчи)ларни баҳолай олишга-йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Талаба (ёки ўқувчи)ларни машғулотда ўтилган мавзунини эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб

олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, якка ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан караш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга келтира олишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин талаба (ёки ўқувчи)ларнинг-билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: тарқатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, қалам (ёки ручка), слайд.

Изоҳ: *режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг кўйган мақсади (текшириши, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрлан тарқатма материаллар (агар якка тартибда ўтказиши мўлжалланган бў гуруҳ ўқувчилари сонига, агар кичик гуруҳларда ўтказиши белгиланган бўлса, ҳолда гуруҳлар сонига қараб тарқатма материаллар тайёрланади).*

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- талаба (ёки ўқувчи)ларни гуруҳларга (шароитга қараб) ажратади;
- талаба (ёки ўқувчи)лар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
- талаба (ёки ўқувчи)лар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- талаба (ёки ўқувчи)лар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (якка тартибда);
- ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;
- ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларни аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

Изоҳ: «Тушунчалар таҳлили» услубини «Чайнворд», «Ўзлуксиз занжир», «Кластер», «Блиц-занжир» шаклида ҳам ташкил этиши мумкин.

«Тушунчалар таҳлили» услубидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунини такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича талаба (ёки ўқувчи)ларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгалаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги машғулотда фойдаланиладиган тарқатма материални мисол тариқасида келтирамиз (илова).

Илова

Тушунчалар	Мазмуни
Таълим	
Тарбия	
Таълим мазмуни	
Ўқитиш услублари	
Ўқитиш шакллари	
Дарс (ўқув машғулоти)	
Ўқитиш воситалари	
Назорат услублари	
Баҳолаш услублари	
Технология	
Педагогик технология	
Педагогик инновация	
Педагогик маҳорат	
Педагогик квалиметрия	

6. Икки қисмли кундаликлар

Икки қисмли кундаликлар ўқувчиларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини қондириш имконини беради. Айниқса, ўқувчилар қандайдир адабиётларни ўқув аудиториясидан ташдари ўқиб чиқиш топширигини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик учун ўқувчилар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизиқ ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонига матннинг дайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, у қандайдир хотирани уйғотар ёки хаётларида юз берган воқеаларни эсга туширар, ёки шунчаки таажжубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик хиссини уйғотар. Ўнг томонида улар шарҳ

беришлари керак: айти шу цитатани ёзишга уларни нима мажбур этди? Уларга қандай фикрлар уйғотди? Шу муносабат билан уларда қандай савол туғилди? Қисқаси, матни ўқиркан, ўқувчилар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг қўшалок кундаликларида шундай белгилар қўйиб беришлари керак.

Қуйида ана шундай икки қисмли кундаликка мисол келтирамиз:

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими	
Японияда “Дзюку” тўлдирувчи мактаблари	
Жанубий Кореяда чет тилини ўргатувчи қўшимча мактаблар	
Германияда бошланғич таълим хусусиятлари	
Францияда ўрта таълим: коллежлар ва лицейлар	

7.Б/Б/Б чизмаси

Б/Б/Б чизмаси-Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, булим буйича изланувчиликни олиб бериш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил дилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар:

1. Жадвални тузиш доидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.
2. “Мавзу буйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.
3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.
4. Мустақил кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимини тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

8. Бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш.

Талабалар одатда семинар машғулотларида жавоб бериш учун маърузалар тайёрлашади. Бунинг учун талабаларга маърузалар тайёрлаш йўллари ва имкониятларини ўргатиш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири-бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади.

Мазкур маъруза жадвал ҳолатида тайёрланиб, талабага жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун талаба беш устундан ва материалнинг хажмига даража бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юдоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катаннинг ҳар бир қаторига талаба мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзади:

Саволлар	Дарслик	Журнал мақолалари	Интернет материаллари	Интервью
Дифференциал таълим нимани англатади?				
Тулдирувчи таълим турла-рини айтинг				
Интеграцион таълимнинг мазмун моҳияти.				
Хориж тажри-басида ишти-дорли талабалар билан ишлаш масалалари				
Модулли таълимнинг афзаллиги нимада?				
Модулли-кредит тизими мазмун моҳияти.				

9. “Модулли-кредит тизими” мавзусига доир тоифалаш жадвали

“Модулли-кредит тизими” тушун-часи тавсифи	Кредит технология си буйича тинглов-чилар билимини баҳолаш методика си	“Модулли-кредит тизими”нинг хусусиятлари	“Модулли-кредит тизими”нинг тамойиллари
--	--	--	---

II. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Режа:

1. Коррупция тушунча ва унинг мазмун-моҳияти. Инсоният ривожланишининг тарихий босқичларида коррупция кўринишлари ва унга қарши курашиш йўллари.

2. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва норматив-меёрий ҳужжатлар. Жаҳонда коррупцияга қарши курашишнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари. Ривожланган мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш тажрибаси ва ютуқлари.

3. Жамиятда коррупцияга қарши курашишда юзага келадиган муаммолар. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган қонунларнинг халқаро нормалар билан мувофиқлиги. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик асослари

Хар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хавф соладиган, қолаверса, мамлакат тараққиётига тўсиқ бўладиган иллат коррупциядир. Коррупция кўп ўлчамли, ташқи ва ички шароитга қараб тез ўзгарувчандир. Шу сабабли, коррупцияга қарши кураш бўйича инновацион ёндашувларнинг ривожланишини ўрганиб бориш ушбу соҳага қарши курашда жуда муҳимдир. Шу боис, тадқиқот жараёнининг илк босқичида коррупция муаммосининг тушунчаси ва унга қарши курашиш чоратadbирларини аниқлашга ҳамда таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган. Хозирда коррупция тушунчасининг умумэътироф этилган ягона таърифи мавжуд бўлмасида, унинг моҳиятини ёритиш бўйича бир қанча тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар олиб борилган. Коррупция давлат бошқарувида тизимли хавф характериға эға ҳисобланиб, жамиятда демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказида, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигиға таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, хуфиёна идтисодиёт ва бошқа шу каби салбий ходисаларнинг юзаға келишиға шароит яратиб беради. Шу билан бирға аҳоли ўртасида давлат ҳокимиятиға бўлган ишончни йуқолишиға ва обрўсизланишиға сабаб бўлади. Коррупция - мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури бўлиб, хуфиёна иқтисодиётнинг асосий элементларидан биридир. Кўпгина ҳолларда коррупция деганда - давлат

амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида ўз мансаб мавқеидан фойдаланиш, фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини кўлга киритиш тушунилиб келинади. “Коррупция” сўзининг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу термин лотинча “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, пора эвазига оғдириб олиш, порага сотилиш, айнаш каби маъноларни англатади. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида берилган таърифга кўра, коррупция (лотинча “corruptio” - айнаш, порага сотилиш) бу - сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавfli ходиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришидир.¹ Коррупция ва унга қарши курашишни тадқиқ этишда тадқиқотчилар ушбу тушунчаларнинг мазмунини очиб беришда турлича ёндашишган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдирган: “Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тўзилмаларга мададкор булиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат (умумхалқ) манфаатларидан устун кўяди”^{3 4} . Италиялик политолог ва давлат арбоби Н.Макиавелли коррупцияга оммавий имкониятлардан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш деб таъриф берган⁵ . Кўпинча коррупция порахурликка тенглаштирилади ёки гараз мақсадларда содир ³ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. - Т.: Адолат. 2009. -Б. 64. 4 Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бусагасида. хавсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва гараккиёт кафолатяари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. - Б. 86. 2 Таирова Н.М. Коррупция как социальное явление: историко-философские и политологические аспекты мировой мысли и практики. Управленческое Консультирование. N 2 . 2014, 159-169 с. этилган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деб каралади. Шунингдек, коррупция деганда давлат хизматчисининг сотиб олинishi-сотилиши билан характерланувчи шахсий манфаатларни кўзлаб хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳам тушунилади. Коррупция мансабдор шахс ёки бошқа давлат хизматчиси томонидан ўз хизмат ваколатларини хар қандай кўринишда била туриб бўзилиши, баъзан эса уюшган жиноятчиликнинг бир элементи сифатида таърифланади. Юридик адабиётларда ҳам коррупция атамасига ҳуқуқшунос олимларнинг берган таърифлари ҳам ранг-баранг.

Н.Кузнецова коррупция деганда, давлат аппарати ва нодавлат тўзилмаларининг ходимларини пора эвазига огдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавfli ходисани тушунади. Е.Каиржанов коррупцияга синфий ва тарихан ўзгарувчан ҳодиса деб қарайди. Унинг фикрига кўра, “жиноятчилик тушунчаси хусусий мулк пайдо бўлиши ва жамият антагонистик синфларга парчаланиши натижасида вужудга келганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Синфий жамият пайдо бўлишидан олдин жиноят тушунчаси ҳам, жиноятчилик ҳам мавжуд булмаган 3. Г.Сатаров коррупцияни “мансаб мавкеини гараз ниятда суиистеъмол қилиш сифатида тавсифлайди” 8. К.Тожибоев эса, “коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсундирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади”¹, деб таърифлайди. Ундан ташқари, коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавкеини суиистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, коррупция амалда намоён бўлишининг қуйидаги шакллари фарқлаш мумкин: - мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши; - давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тўзилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавкеидан фойдаланиш; - ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш; - шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйик ўтказиш учун ўз хизмат мавкеидан фойдаланиш; - мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тўзилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши; - шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бўзиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавкеидан фойдаланиш; - муайян гуруҳ манфаатларида норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш; - айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш⁹ 10 . Халқаро ҳужжатлар ва Халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ушбу феномен мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноят турига кириши ҳақида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Хукукий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да коррупция - мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, 6 Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М Миньковского. - М.: МГУ, 1994. - С. 58. 7 Каиржанов Е.И. Преступность - явление социальное // Преду преждение преступности. 2003, №1. - С. 8.

8Сатаров Г. А Россия и коррупция: кто кого? //Российская газета. 19.02.1998. С.2. 9 Тожибоев К,- Мансаб мавкеини суиистеъмол қилиш нули билан узгалар мулкини талои-тарож қилганлик учун жавобгарлик. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - Б. 13. : Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В С. Овчинского и др. 2-ое изд. перераб. - С116.: ИНФРАМ, 2003. - С. 190-191. лавозим йўриқномаси қоидаларини бўзган ҳолда ёки бўзмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”¹¹ тушунилади дейилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммолари юзасидан ўтказилган минтақалараро семинарида қабул қилинган “Давлат хизматчилари учун Халқаро ҳулк-атвор кодекси”да “коррупция - мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ. манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмол қилиш, шунингдек, давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб тўрган хизмат вазифаларидан ғайриқонуний фойдаланиш кўринишларидир”¹ дейилган. БМТнинг 2003 йилдаги “Коррупцияга қарши конвенциясида”, “коррупция - шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишдир”¹² 13 деб кўрсатилган. Америка давлатлари ташкилотининг “Коррупцияга қарши кураш бўйича америкааро конвенцияси” (Каракас 29 март 1996 йил) нинг 6 - моддасига кўра, “давлат мансабдор шахснинг актив ёки пассив сотилиши”, “давлат мансабдор шахснинг таъмагирлик ҳаракатлари”, “учинчи шахс манфаати йўлида ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолатлар”, “мавжуд даромадларни яширишда фирибгарлик ҳолатлари” билан боғлиқ бўлган жараёнлар коррупция ҳаракатлари ҳисобланиши тўғрисида кўрсатиб ўтилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги модел қонуни (1999 йил 3 апрел)да берилган таърифга кўра, “коррупция (коррупцион ҳуқуқбўзарлик) - давлат функцияларини бажарувчи мансабдор шахслар, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларнинг ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланган ҳолда шахсан ёки воситачи орқали тайриқонуний тарзда моддий бойлик ва имтиёзларни қулга киритиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга ҳилоф равишда эгаллашига имкон беришидир”. Шу билан бирга 03.01.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасида “Коррупция-шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш” эканлиги кўрсатилган. Коррупция тушунчасига берилган таъриф бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро ҳужжатлардаги ухшашлик ўрганилганда, шахсий наф кўриш мақсади асосий

рўйхат эканлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, БМТнинг 2003 йилдаги “Коррупцияга қарши конвенциясида” коррупциянинг субъекти фақатгина давлат ҳокимияти вакили бўлиши таъкидланган бўлса, миллий қонунчилик нормаларида у кўрсатилмаган. Умуман олганда, тадқиқотчилар томонидан, Халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатларида коррупция тушунчасига турлича таърифлар берилган бўлсада, лекин, шуни қайд этиш лозимки, коррупция тушунчасига келтирилган таърифларда бир-бирига яқин қарашлар акс этган. Юқорида келтирилган фикрлар орқали коррупция тушунчаси ва моҳияти ёритилди. Коррупцияга қарши курашиш да қандай чоратadbирларни амалиётда қўллаш бўйича бир қанча қарашлар мавжуд. Коррупцияга давлат томонидан тўхтовсиз қаршилик қилмаслик, унинг кенгайтишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда коррупцияга қарши доимий сиёсатни олиб бориш ҳар бир давлат учун долзарб ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашиш методларини муҳокама қилиш жараёнида энг аввало Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией Генеральной Ассамблеи от 17 декабря 1979 г.). United Nations Law Library <http://legal.un.org/avl/ha/uncc/uncc.html> Межамериканское соглашение против коррупции. г. Каракас, 29 март 1996 года <http://docs.cntd.ru/document/901934990> Модельный закон Содружества независимых государств "О борьбе с коррупцией" (03.04.1999 г.). Антикоррупционные документы: международный и национальный опыт борьбы с коррупцией. - М., 2004. уни олдини олиш чораларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 2-боби айнан Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши ҳаракатларга бағишланган. Унга кўра, давлатларга нисбатан тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидаги чоратadbирлардир. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш: а) Давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш борасидаги тамойилларни акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни йулга қуйиш; б) коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиёт турларини белгилаш; в) давлат томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нуқтаи назаридан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларни вақти-вақти билан баҳолаши керак; г) коррупцияга қарши кураш доирасида тегишли Халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш; 2. Давлат хизматчилари фаолиятини ошқоралигини таъминлаш: а) давлат хизматчиларни ва сайланмайдиган оммавий мансабдор шахсларни ишга қабул қилиш, ойлик маошларини тайинлаш, ёллаш, хизматни уташ, хизмат давомида мансабга эришиш ва истеъфога чиқиш тизимларининг очиқлигини

таъминлаш; б) сайланадиган оммавий лавозимларга номзодларни ва, мумкин бўлган вазиятларда, сиёсий партияларни молиялаштиришда ошкораликни кучайтириш; в) ошкораликни таъминлашга хизмат қиладиган ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш тизимини яратиш; 3. Оммавий мансабдор шахсларнинг ўзини тўтиш кодексларини шакллантириш: а) оммавий мансабдор шахсларининг поклиги, халоллиги ва масъулиятлилигини ратбатлантириш; в) мансабдор шахслар ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида аниқланган коррупцион ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш тизимини ташкиллаштириш; г) оммавий мансабдор шахслар манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган хизматдан ташқари фаолият, машғулотлар, инвестициялар, активлар ҳамда муҳим тухфа ёки нафлар тўғрисида декларацияларни тақдим этишга мажбур қилиш. 4. Давлат харидлари ва маблағларни сарфланишини ошкоралигини таъминлаш, бунинг учун коррупциянинг олдини олиш нуктаи назаридан, ошкоралик, ракобат ва қарорларни қабул қилишнинг ҳолисона мезонларига асосланадиган тегишли харид тизимларини яратиш ва бошқалар. Коррупцияга қарши курашда минтақавий механизмларнинг ўрни катта. Европа иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти, Европа Кенгаши Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида коррупцияга қарши курашга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб, уларни ижросини назорат қилиш бўйича бўлимлар ташкил қилинган. Коррупцияга қарши курашнинг Европа механизми. Коррупцияга қарши кураш халқаро ташкилотларнинг, айниқса Европа иттифоқининг адлия ва ички ишлар соҳаларида асосий ваколатларидан бири ҳисобланади. Нью-Йорк, Мадрид ва Лондонда амалга оширилган терактлар коррупцияга қарши курашга бўлган ҳаракатларни янада жадаллаштирди. Энди у фақатгина алоҳида ҳодиса сифатида эмас, хавфсизлик сиёсатининг муҳим қисмларидан бири сифатида қараладиган бўлди. Жумладан, коррупция иқтисодий жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, даромадларни ювиш, одам савдоси, қурол-яроғ ва наркотиклар, терроризм билан боғлиқлиги аён бўлди. Терроризм, уюшган жиноятчилик ва молия бозори глобализацияси шуни кўрсатмоқдаки, коррупция билан миллий миқёсда қарши курашиш самарасиз ва фойдасиз. Шунинг учун 16 Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.) коррупцияга қарши кураш халқаро жиноят органларининг ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади, миллий миқёсда эмас, халқаро миқёсда жиноятчилик қарши кураш органларининг тажриба алмашинуви талаб этилади. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога

айланди. Айниқса, глобаллашув жараёнлари натижасида бир мамлакатдаги коррупция бошқа мамлакатлар Коррупциявий даромад ҳаром даромад бўлиб, бу даромадлардаги тенгсизликни келтириб чиқаради ва кучайтиради. Коррупциянинг миллий хавфсизликка хатари шундаки, у кишиларда норозилик уйғотиб, жамиятдаги интизомий мувозанатга таҳдид солади. Шунингдек, коррупция даромадларнинг порахўрлар қўлида тўпланишига олиб келади. Натижада, ўз соҳиби ишлаб топган даромаднинг порага айланган қисми яширин тарзда жамғарилади. Порахўр қўлида жамғарилган пул инвестицияга ҳам хизмат қилмайди. Энг ёмони бу аҳоли қўлидаги пул қолдиғини кўпайтиради ҳамда пул муомаласига раҳна солади. Натурал ишлаб чиқариш шароитида порахўрлик моддий шаклда бўлиши мумкин, уни кўздан яшириб бўлмайди. Пул муносабатлари эса яширин муносабат ўрнатишда қўл келади. Хуллас, коррупциянинг объектив сабаби пулнинг юксак ликвидлик хусусиятидир. Бу пул фетишизмни, яъни уни илоҳийлаштиришни, унга сиғинишни юзага келтиради, пул ҳамма нарсани ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Бу эса пулга очқўзликни уйғотади, уни ғайриқонуний йўл билан топа олиш имконияти бор кишиларни коррупциялашган кишиларга айлантиради, булар, одатда, давлат амалдорлари бўладилар. Бунда бозор механизмининг кам лаёқатли бўлиши кузатилади, унинг ожизлигини давлат механизми тўлдириб боради. Давлат механизми лаёқатли бўлиб қолганда унинг амалдорлари хизматига талаб ошади, чунки шундай йўл билан иш битади. Бу порахўрликни рағбатлантиради, албатта. Коррупциянинг ўта авж олишига қуйидаги хавфли ижтимоий ҳодислар ҳам сабаб бўлмоқда. Ўтган асрнинг охирлари ва XXI асрга келиб моддиётга берилиш, нафсни қондириш, буюмпарастлик каби иллатларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштирди. «Барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантиради» деган тушунча инсонлар руҳиятига сингдирила бошланди. Товар (буюм)га сиғиниш кучайди. Глобаллашувнинг хусусияти маданиятларнинг «дурагайлашуви» га олиб келди. Фикр ва буюмларнинг, инсон танаси ва руҳиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантеририлиши бугунги куннинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида савдо-сотик муносабатлари устувор бўлмоқда «емак ва томошалар» шиори остида инсонларда истеъмолчилик кайфияти авж олдирилди. «Инсонинг ҳамёни қаерда бўлса, унинг қалби ҳам ўша ерда» деган ҳалокатли ғоя сингдирилмоқда. Молпарастлик ва худбинликнинг шу тариқа ҳаммабоп қадрият сифатида тикиштирилиши инсон маънавий оламига жиддий таҳдид солмоқда. Мансабдорлик жинояти коррупциянинг кўринишларидан бири ҳисобланиб, унинг хусусияти шундан иборатки, ушбу

жиноятларни қонуннинг ижросини таъминлайдиган ва уни қўриқлайдиган шахслар томонидан содир этилади. Ушбу жиноятчиликни кўпгина ғарб давлатларида кенг тарқалганлиги, ушбу давлатларда давлат аппаратининг коррупцияга ботганлиги, бу давлатлар қонун чиқарувчи органи томонидан коррупциявий иллатларнинг кўринишлари бўлган порахўрлик, хизмат ваколатини суистеъмол қилиш ва бошқа мансабдорлик жиноятлари учун қаттиқ жазо турларини кучайтириш билан бир вақтда, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган хавфсизлик даражаси камроқ бўлган ва кенг тарқалган жиноят турларига камроқ эътибор берилган (масалан, унча катта миқдорда бўлмаган совғаларни мансабдор шахс олса жиноят ҳисобланмайди). Дунё давлатларининг бугунги коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ амалиёти шундан далолат бермоқдаки, кўплаб давлатлар қонунчилигида тинимсиз равишда мансабдорлик жиноятларига қарши курашнинг оптимал чоралари-тадбирларини топишга уринишлар давом этмоқда. Мансабдорлик жиноятлари ичида бевосита коррупциявий жиноятлар ҳисобланган, биз учун катта қизиқиш уйғотадиган мансабдорлик жиноятларидан порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш каби турларини ушбу рисолада бир қатор дунёнинг етакчи давлатлари ва МДХ давлатлари қонунчилигини таҳлили қилиш орқали кўриб чиқамиз. Масалан, турли давлатлар қонунчилигида порахўрлик жинояти учун жазо миқдори мансабдор шахс пора эвазига қонун доирасида ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилганми ёки ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилганми, шунга қараб белгиланган бўлса, бошқа давлатлар қонунчилиги эса асосий эътиборни пора, пора берувчи манфаати учун маълум бир ҳаракат бажарилгандан кейин олинганми ёки олдиндан олинганми деган масалага кўпроқ эътиборни қаратган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши қонунчилигини ўрганиш, ўзбек қонунчилиги амалиёти учун жуда муҳимдир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Коррупция тушунчаси.
2. Коррупцияга қарши кураш тушунчаси.
3. Коррупцияга қарши курашишнинг Конституциявий асослари.
4. Коррупцияга қарши курашишнинг меърий-ҳуқуқий асослари.
5. Коррупция тушунчаси ва уни тадқиқ этишдаги ёндашувлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услугий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
5. Ўтамурадов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
6. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
7. Хакимов Н.Х., Садиқов А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

2-мавзу: Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар

Режа:

1. “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”нинг мазмун-моҳияти ва бошқа ҳалқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши.
2. Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорининг мазмуни ва уларда белгиланган устувор вазифалар, ҳамда йўналишлар.
3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар: ютуқ ва камчиликлар.

Сунгги йилларда мамлакатда коррупцияга қарши кураш соҳасида олиб борилаётган ислохотларга қарамасдан коррупциявий жиноятлар давлат хизматчилари ўртасида, айниқса мансабдор шахслар кесимида сакланиб

колаётганлиги, коррупция орқали ноқонуний даромадлар орттиришни тийиб турувчи механизмларини қўллаш нинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларни амалиётга татбиқ қилишни такозо этмоқда. Коррупцияга қарши курашиш воситаларини тўғри қўллай олиш муаммони бартараф этишнинг ишончли йулларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор қонунчилик аклари қабул қилинган. Булар ичида Жиноят, Жиноятпроцессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда бир қатор қонунлар ва қонуности актларни келтириш мумкин. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинган. Қонунга асосан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради: махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат; ички назорат; мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар; Қонуннинг 8-моддасига биноан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади. Тан олиш керак, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали айрим давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракати кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилиб борилмоқда. Масалан, айнан интернетдаги муҳокамалар туфайли айрим вилоятлардаги юқори мансабдорларнинг қонунга зид хатти-ҳаракати жамоатчиликка ошкор бўлди. Жиноятчиликнинг барча шакллари айниқса коррупцион жиноятларни олдини олишда жиноятчилик профилактикаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида содир этилган коррупцион жиноятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2015-2017 йилларда жами 14.171 нафар жисмоний шахсга, шундан 11.017 таси давлат муассасаларининг турли лавозимдаги ходимлар, нисбатан 8.572 та жиноят ишлари кўзтатилган. Шунингдек, 2018 йилда 1 минг 177 нафар мансабдор шахс коррупцион жиноятлар учун жавобгарликка тортилган. Про кўратура органлари томонидан 2018 йилда 2 мингдан зиёд шахсга нисбатан 1,5 мингга яқин жиноят иши кўзгатилган бўлса, улардан 168 нафар шахс пора олиш жиноятини содир этгани, 29 нафар

шахс пора бериш жинояти учун, 2 нафар шахс пора олиш- беришда воситачилик қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган Бундан ташқари, статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, 2015-2017 йилларда умумий коррупцион қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 91% туман (шахар), 8%и вилоятлар ва 1%и эса республика даражасидаги давлат хизматининг мансабдор шахслари ҳисобланган. Республикада коррупцияга қарши кураш соҳасида бир канча ижобий ишлар амалга оширилаётган бўлсада, давлат хизматчиларига нисбатан коррупционер сифатида қараш ҳолатлари кўпайиб учрамоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бунга сабаблардан бири мансабдор шахсларнинг даромадлари ошқоралиги таъминланмаган ва улар томонидан амалга оширилаётган Қимматбаҳо харидлар уларнинг даромадларига мос равишда эмаслиги, аҳоли ўртасида давлат хизматчисининг даромадлари ноқонуний эканлигига шубҳа уйғотишига олиб келмоқда. Хусусан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2018 йилда коррупция тўғрисида фуқароларнинг муносабати ўрганилган. 61 Унга кўра, сўровда иштирок этганларнинг 70 фоизи (2017 йилда 56%) жамиятда коррупция бор, деб баҳолаган. Бундан ташқари, Kun.uzга тегишли «Сизнинг фикрингиз» Telegram-каналида сўров ўтказилган бўлиб, коррупция ҳолатларига дуч келганлиги ҳақидаги саволга 694 киши жавоб қайтарган. Уларнинг 92%и бундай ҳолатга дуч келганлигини, 8%и эса дуч келмаганлигини билдирган. Шунингдек изланиш доирасида Телеграм мобил мессенджери орқали 73 нафар фойдаланувчи иштирок этган анкета сўрови натижаларига кўра, “Давлат хизматчилари орасида коррупция ҳолатлари канчалик кенг тарқалган” саволига респондентларнинг 86% жуда ҳам кенг тарқалган, 8% паст даражада, 5% йўқ деб муносабат билдирган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, жамиятда коррупция муаммоси кжори даражани ташкил қилмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилаётган сўровларда ҳам кўрсаткичлар йилдан йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда республикада мансабдор шахсларга нисбатан коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини татбиқ қилиш бўйича бир канча йўналишлардаги ишларни амалга оширишни талаб қилади. Биринчи йўналиш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг даромадлари, харажатлари ва мулкларини назорат қилиш бўйича ҳуқуқий асоснинг етарли эмаслиги, уларнинг орасида коррупциянинг кжори даражаси сакданиб қолишига сабаблардан бири булмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, 2018 йилда ишлаб чиқилган “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун лойихасида, барча давлат

хизматчиларига (техник гуруҳ ходимлари тоифасидагилар бундан мустасно) хар йили мол-мулки хақида декларация, даромадлари ва катта харажатлари тўғрисида маълумот беришини мажбурий қилиб қуйишни таклиф этилган эди. Айтиш керакки, ушбу қонун лойихаси қабул қилинмаган. Қонун лойихаси қабул қилиниши активлар декларацияси механизмини амалиётга татбиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга катта туртки бўлар эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда кўпроқ у мумий мазмундаги ҳолатлар куп ва коррупцияга қарши кураш увчи органларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари амалга ошириладиган чора тадбирлар тўғрисида умумий маълумотлар кўрсатилган. Қонуннинг 3-моддасида, яъни асосий тушунчаларда “активлар декларацияси” нима эканлигига аниқ таърифлар берилмаган. Қўшимча тарзда, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга қадар “Активлар декларацияси тўғрисида” ги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Борьба с коррупцией в зеркале общественного мнения http://ijtimoiy-fikr.uz/rii/issledovaniya/borba_s_korrupciey_v_zerkale_obshestvennogo_mneniya

Суров: узбекистонликлар мамлакатнинг асосий ички душмани нима эканлигини айтишди <https://iam.uz/news/2019/05/05/sorov-ozbekistoiliklar-mainlakatmng-asosiy-ichki-dushrnanimia-ekanligim-avtishdi> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5729-сон Фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилди. Фармон билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йуналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборатлиги белгилаб қўйилди: суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга хар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш; давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ руйхатини белгилаш; давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва

уларнинг иш хақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини хал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар туғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш; аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш; давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш; фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқиш ва Идоралараро комиссия билан келишиб олиш вазифаси юклатилди. Идоралараро комиссияга икки ой муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритиш вазифа қилиб берилди. 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти вақти билан мажбурий баҳолаб бориши, унинг яқунлари бўйича: коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг руйхатини шакллантириши; идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириши ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриши; Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда дар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлаши; ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этиш ва умумий ўрта, ўрта махсус, касбхунар таълими ва

олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилишини таъминлаши белгиланди. Фармоннинг 4 бандига асосан давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи кун тартибига қўйилган. Иккинчи йўналиш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати ва тадбиркорликни бир вақтда олиб бормаслик бўйича тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таққиданган мансабдор шахсларнинг руйхати тўғрисида”ги 103-сонли қарорига асосан қўйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таққиданган: - давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига; - давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга; - давлат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қуйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига; - давлат таъминот ва савдо-сотик қорхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига; - тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига қирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига. Давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши норматив ҳужжатлар асосида таъқиқланган. Бироқ уларнинг давлат хизматидаги фаолиятидан ташқари олинган даромадларини тўғридан-тўғри аниқлаш имкони йўқ. Бундан ташқари, мансабдор шахслар мавжуд мулкларини ва қўшимча даромадларини ошқор этишни истамайдилар. Истисно тариқасида, уларнинг Қонун доирасидаги қўшимча даромадларини аниқлаш солиқ декларациялари асосида амалга оширилади. Давлат хизматчилари қўшимча олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида жисмоний шахслар даромадлари декларациясини тақдим қилиши қонунчиликда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасида назарда тўтилган даромадларга декларация асосида солиқ, солинади. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга мулкӣ даромадлар, агар бу даромадларга аулов манбаида солиқ солилмаган бўлса, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги, Ўзбекистон

Республикаси худудидан ташқаридаги манбалардан олинган, солиқ агентлари булмаган манбалардан олинган даромадлар шулар жумласидандир. Декларация бўйича жисмоний шахсларнинг солиқ идораларига ҳисобот давридаги даромадлари ва ўзларига бевосита дахлдор бўлган солиқ имтиёзлари ҳақидаги расмий баёнотни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишни англатади. Солиқ декларацияси ва солиқ ставкалари асосида туланиши лозим бўлган солиқни Давлат солиқ хизмати идоралари назорат қиладилар. Умумлаштирган ҳолда қисқача айтганда, мансабдор шахсларнинг даромадларини ва мулштарини очиқлигини таъминлаш ва ушоу йўналишда тегишли ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Учинчи йўналиш. Амалиётда куп ҳолларда учрайдиган ҳолат бу давлат хизматидаги мансабдор шахс пора олиш, мансабини суиистеъмол қилиш орқали орггирган маблағларини қонунийлаштириш мақсадвда ўзига яқин қариндоши номига кучмас мулк ёки автотранспортни расмийлаштиради. Бу эса, коррупционерни аниқлаш имконини камайтиради. Ушбу муаммони ечими сифатида республикамизда умумдекларация механизмини жорий қилиш ҳисобланади. Унга кўра, фуқаронинг даромадига мос келмайдиган харажатларини умумдекларация орқали солиштирилиб, келиб чиқиш манбаси текширилиши натижасида ноқонуний даромадларни аниқлаш имкони мавжуд бўлади. Ушбу йўналишда дастлабки ишлар амалга оширилган бўлсада, бугунги кунда давомийлиги тухтаб қолган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 5 сентябрдаги ПФ3127-сонли “Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони асосида жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш механизми 2003 йилдан бошлаб Республика бўйича татбиқ этилган. Бироқ ушбу Фармондаги 2002-2005 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг Халқаро меъёрларга мос келадиган механизмини босқичма-босқич жорий этиш белгиланган бўлсада, бугунги кунда ушбу фармон ижроси тўлиқ таъминланмаган. Туртинчи йўналиш. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор апу рас и; Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор апу раси ҳузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳисобланади. Шунингдек, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ, ОАВ, фуқаролар ҳам коррупцияга қарши курашиш ни амалга оширади. Уз

навбатиди, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ҳеч бирида давлат хизматчисининг даромад, харажат ва мулкларини назорат қилиш ваколати берилмаган. Коррупция жиноятларининг асосий қисми латенг бўлиб қолмоқда. Мазкур жиноятларни фош этиш динамикаси субъектив омил - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг, мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродасига боғлиқдир. Мамлакатимизда коррупция жинояти учун жавобгарликка тортилганлар сонининг 2013 йилга нисбатан 2017 йилда 1,5 фоизга ортган. Бирок коррупция жиноятчилигининг фақат 1-2 фоизи фош бўлади, қолган қисми эса латенглигича қолмоқда. Мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупция жиноятларининг тўзилиши қуйидагича: пора олиш (24,4 фоиз), мансаб сохтакорлиги (23,1 фоиз), ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш (22,2 фоиз) ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (21,7 фоиз), пора бериш (5,4 фоиз) ва бошқалар (3,5 фоиз). 62 Тадқиқот юзасидан 96 нафар респондентлар ўртасида ўтказилган анкета сўровининг натижаларига кўра Суровномадаги “Сизнингча ноқонуний даромад орттирилишини аниқлаш юзасидан олиб борилаётган тадбирларга кўшимча киритиш керакми?” саволига респондентларнинг 83% Ҳа, 14% Жавоб беришга қийналаман ва 3% Йўқ деган жавобларни билдиришган. Худди шу савол билан Телеграм мобил мессенджери орқали ўтказилган анкета сўровининг натижалари бири бирига жуда яқин. Хусусан, респондентларнинг 80% Ҳа, 12% йўқ ва 8% жавоб беришга қийналишини айтишган. Коррупцияга қарши курашда унинг самарадорлигини оширишда активлар декларацияси механизмини қўллаш давлат хизматчиларининг ноқонуний орттирган 62 Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси №4 (36) 2018й. 5-8 бетлар даромадларини ошқор қилишда ижобий хизмат қилади. Шунингдек, Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва қарши курашиш га қаратилган чоралар амалга оширилган бўлсада уни аниқлаш бўйича механизм йўқ Ўзбекистон Республикасида ноқопуний даромад орттириш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 21-моддасида “Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йул қўймаслиги керак. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дархол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш

юзасидан ўз вақтида чоралар кур шли шарт” деб белгилаб қўйилган. Бироқ, манфаатлар тўқнашуви юзасидан ходим ихтиёрий маълумот бермаса уни аниқлаш чоралари республикада жорий қилинмаган. Давлат органларининг махсус булинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини аниқлашда асосан яқин қариндошлик даражасини кўриб чиқадилар. Бештчи йўналиш. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк), шунингдек, 2010 йили ИХРТ доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига (2003 йил 10 сентябрь, Истанбул) қўшилиши коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишга асос бўлди. Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий Халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши” конвенцияси ҳисобланади. У 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган бўлиб, мукаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, қуйидагилардан иборат: 1- боб умумий қоидалар; 2- боб коррупциянинг олдини олиш чоралари; 3- боб криминаллашув ва ХМКО фаолиятига оид масалалар; 4- боб Халқаро ҳамкорлик; 5- боб активларни қайтариш; 6- боб ўзаро ахборот алмашинуви ва техникавий ёрдам; 7- боб конвенцияни татбиқ этиш; 8- боб якуний қоидалар. Ўзбекистон Республикаси мазкур Халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сената томонидан маъқўлланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан қучга кирди. Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган. Жумладан, Қонуннинг 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 6- моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокураторам, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи - давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган. Қонуннинг 2-бандига кўра, Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15- 19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27- моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикция татбиқ этилиши баён этилган. Ушбу хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон жиноят қонунчилиги бўйича ҳам жиноий қилмиш сифатида

бахоланади ва амалдаги жиноят қонунида бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Кушун мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг “Оммавий мансабдор шахсларнинг ўзини тўтиш кодекслари” 8-моддаси ва “Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши”ни жиноят деб баҳолаган 20- моддасига қўшилмаган. Бундан ташқари, коррупцияга қарши кураш бўйича Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида давлат хизматчиларининг фидокорона хулқини шакллантириш бўйича бир канча тавсиялар ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилар: - давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш жараёнини танлов асосида амалга ошириш механизмини таъминловчи ҳуқуқий асосни ишлаб чиқиш; - давлат хизматчилари ойлик иш ҳақининг ошқоралигини таъминлаш тизимини жорий қилиш; - манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича қоидаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш; - давлат органларининг мансабдор шахсларининг мол-мулкни мажбурий тарзда декларация қилиш тизимини жорий этиш, давлат мансабдор шахсларининг мол-мулкни эълон қилиш тартибини тартибга солиш, ушбу декларацияларни тасдиқдаш ва уларни жамоатчиликка етказиш масалаларини кўриб чиқиш; - давлат хизматчиларнинг совғалар олиш чегарасини белгилаш ИХТТ томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларнинг бажарилиши юзасидан тегишли ишлар сушт даражада амалга оширилаётганлиги таъкидланган.⁶³ Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси мансабдор шахсларга нисбатан коррупцияга қарши курашда активлар декларацияси механизмини қўллаш долзарблигини саклаб қолмоқда. Қўшимча тарзда айтиш мумкинки, активлар декларация сини республикамизда татбиқ қилиш жараёнида айрим муаммоларни олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўриш зарур ҳисобланади: - активлар декларация сини татбиқ этишда мансабдор шахслар ўртасида норозиликларни юзага келтирмаслик чораларини кўриш. - активлар декларация сини кимларга нисбатан қўллаш. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг сони юзасидан аниқ маълумотлар мавжуд эмас, тахминий ҳисоб-китобларга кўра 1.5 млндан ортиқ давлат хизматчилари турли соҳаларда хизмат фаолиятини олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази мутахассислари Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини татбиқ этишда давлат хизматчиларининг сон жихатдан куп эканини ҳисобга олиб, маълумотларни саралаш ва кучли назорат ўрнатиш учун энг камида республика босқичидан бошлаш кераклигини таъкидлаган. Шунингдек, магистрлик иши юзасидан 96 нафар респондентлар ўртасида ўтказилган анкета сўровининг натижаларига кўра, “Коррупцияга қарши курашда активлар декларацияси механизмини

татбиқ этишнинг дастлабки босқичида қайси даражадаги давлат хизматчиларини қамраб олган мақсадга мувофиқ?” саволига респондентларнинг 49% энг камида республика даражасидаги мансабдор шахсларни, 18% энг камида вилоят даражасидаги ва ундан юқори мансабдор шахсларни, 23 % энг камида туман даражасидаги ва ундан юқори мансабдор шахсларни ва 10% техник ходимлардан ташқари барча давлат хизматчиларини кўрсатиб ўтишган. - активлар декларацияси жорий қилингандан сўнг харажатларни аниқлашда 63 Промежуточные доклад о выполнении рекомендаций Третьего раунда мониторинга Стамбульского плана действий Узбекистаном 2018. С. 59-60 қуйидаги муаммолар юзага келишини олдини олишга қаратилган чораларни кўриш:

- коррупцион туловлар мансабдор шахсга эмас, балки унинг оила аъзоларига тақдим қилиниши мумкин. Бунда, мансабдор шахс порани учинчи шахс яқин қариндошлари орқали қабул қилиб, ўзи эса расмий даромадлари ва харажатларини декларацияда кўрсатади.

- ноқонуний орттирилган мол мулкни коррупционер мансабдор шахс ўзи ва оила аъзоларининг номига расмийлаштирмасдан бошқа қариндошлик даражаси мавжуд булмаган шахс номига ёки танишининг корхонаси балансига расмийлаштирилиши ҳамда ушбу мулкдан мансабдор шахс фойдаланиши мумкин. Мисол учун, мансабдор шахс танишининг номига ноқонуний орттирган даромади ҳисобидан уй сотиб олади ҳамда ушбу уйдан ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирмасдан ўз эҳтиёжи учун фойдаланади;

- хорижий давлатларда мулкка эгалик қилиш. Бу ерда, нақд олган пора ҳисобидан ноқонуний йуллар орқали ушбу маблағларни олиб чикиб у ердан ўзига ёки учинчи шахс номига мулк сотиб олади;

- мутахассислар фикрига кўра, пора эвазига орттирилган маблағларнинг ўртача 20% мулкни харид қилиш учун сарфланади. Аксарият ҳолларда эса мавжуд кучмас мулкни қайта таъмирлаш, давлат руйхатида мавжуд булмайдиган Қимматбаҳо тошлар, сувенирлар, тилла буюмлари ва туй маросимларига сарфланиши мумкин. Мисол учун, мансабдор шахс 100 млн. сумлик пора олиб туйхона билан келишган ҳолда ҳеч қандай шартнома имзоламасдан туй маросими учун сарфлаганда, ушбу суммани ноқонуний даромад эканлигини исботлаш назорат килувчи орган учун қийинчилик яратади. - декларация маълумотларини тақдим қилиш муддатларини, вақтида тақдим қилмаган ёки умуман тақдим қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чораларини белгилаш. Шунингдек, активлар декларацияси орқали ноқонуний даромад орттирилганлиги аниқланса қай тартибда жазо чораси қўлланилиши кераклигини белгилаш. - активлар декларацияси қандай маълумотларни ўзида жамлаш кераклиги бўйича тегишли ишларни амалга

ошириш. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, активлар декларациясини амалиётга татбиқ этишдаги муаммоларни бартараф этиш, коррупцияга қарши олиб борилаётган ишларга ижобий таъсир кўрсатади. Активлар декларацияси ноқонуний даромад орттираётган мансабдор шахсларни аниқлашда самарали хизмат қилиши хорижий тажрибада кўзатилмоқда. Ушбу механизм фуқароларнинг давлат идораларида фаолият олиб бораётган халол ходимларга нисбатан ишончини орттиради. Республикада коррупцияга қарши кураш сиёсатини самарали фаолият олиб бориши ҳамда коррупцион жиноятлар даражасининг пасайиши учун муҳим бўлган восита ва усулларни амалиётга жорий қилишда хорижий давлатларнинг тажрибасини доимий равишда кўзатиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, бугунги кунда кўплаб давлатлар коррупциями тартибга солиш учун турли хил усуллар ва механизмлардан фойдаланиб келмоқда.

Коррупция иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи мураккаб ходиса бўлиб, кўплаб давлатлар мансабдор шахслар ўртасидаги коррупциями кучайиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида, катъи жазо чораларини кулламоқда. Илм - фан доирасида коррупцияга қарши кураш соҳасида турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида энг кучли ва асосийси негизи ҳисобланувчи гарб - европа ёндашуви бўлиб у БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясидаги тамойилларга асосланади. Ушбу ёндашувнинг асосий жихати шундаки, коррупцияга қарши кураш чоралари белгиланган Конун хужжатининг мавжудлиги ҳамда унда давлат хизматчисининг пора олиш ва мулкни талон-торож қилганлиги учун жазонинг мукаррарлиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва уни бошқаришга бўлган таъқиқ, мансабга белгилашдан олдин ракобатнинг мавжудлиги, оффшор ҳудуддаги корхоналарга эгалик қилмаслик, ундан ташқари оила аъзолари муҳим ўрин эгаллайдиган корхоналар билан манфаат келтирувчи алоқаларни ўрнатмаслик, яқин қариндошлари ва ўзининг даромад ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни декларациялаш мажбурияти кўрсатилиши каби комплекс чоралар акс этирилади.⁶⁴ Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида мавжуд коррупцияга қарши кураш амалиёти хорижий давлатлар тажрибасидан кучли фарқ қилмасида, бироқ, мамлакатимизга татбиқ этиш мумкин бўлган воситалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан коррупцион жиноятларни содир этган шахслар суд ҳукмига асосан жазо чоралари қўлланилади. Бироқ, коррупцияга оид ҳаракатларни содир этган шахсларни аниқлаш асосан тезкор тадбирлар орқали амалга оширилиши туфайли, коррупцион жиноятлар катта қисми латенг бўлиб қолмоқда. Ҳамда

ноқонуний даромад орттирилганлигини исботлашга керакли бўлган маълумотларни йиғиш, уларни ҳаққонийлигини таъминлаш коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи органларга бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Юқорида ақс эттирилган муаммоларни қискартириш ва мамлакатда коррупцияга қарши курашда давлат хизматчиларининг ноқонуний даромад орттиришини аниқлаш, уларга нисбатан профилактик ишларни олиб боришга хизмат килувчи даромадлар, харажатлар ва мулк тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган активлар декларациясини амалиётга татбиқ этиш долзарб бўлиб қолмоқда. Илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида, Ўзбекистон Республикаси имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини амалиётга жорий этишда қуйидаги ишларни олиб бориш амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчи навбатда, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, ташкилотнинг асосий принциплари ва давлат хизмати тизимининг фаолиятини тартибга солиш, давлат хизматчилари кадрлари таркибини шакллантириш, танлов асосида ёллаш, ўтказиш, фаолиятни баҳолаш, хизматдан бўшатиш масалалари, давлат хизматчиларининг ижтимоий ва пенсия таъминотини ҳисобга олган ҳолда, халол ва фидокорона хизматни моддий ва номоддий шаклда рағбатлантириш механизмлари, шунингдек, хизмат этикаси ва коррупцияга қарши кураш масалаларини ўзида ақс этган “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш процессини жадаллаштириш. Ушбу қонунда коррупцияга қарши курашда давлат хизматчисининг активлар декларациясини қўллашни мажбурий эканлигини кўрсатиб ўтиш. Шунингдек, “Активлари декларацияси тўғрисидаги” меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш, унда активлар декларацияси билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни қамраб олиши хусусан, активлар декларацияси кимларга нисбатан татбиқ этилиши, декларацияда қандай маълумотлар ақс этиши кераклиги, қайси орган томонидан маълумотлар таҳлил ва назорат қилиниши, жазо турлари ва бошқа декларацияга таалуқли маълумотларни қамраб олиши керак.

Қўшимча тарзда, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида яъни асосий тушунчаларда “активлар декларация”си т нима эканлигини қўшимча равишда киритиш лозим. Хусусан, “Активлар декларацияси - давлат хизматчисининг даромадлари ва уларнинг манбалари, харажатлари ҳамда эгалик ҳуқуқи ва шартнома асосида тегишли бўлган мулклари тўғрисидаги маълумотнома.”. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 19-моддаси “Давлат бошқаруви соҳасида 64 Комнатная Ю. А. Адаптация зарубежного опыта борьбы с коррупцией через ее легализацию в Российской Федерации как метода правового и

экономического регулирования жизни современного общества // Проблемы современной экономики: материалы II между нар. науч. конф. - Челябинск, Два комсомольца, 2012. С. 34-36 коррупциянинг олдини олишга доир чоратдбирлар”га қўшимча активлар декларациясига оид бандни киритиш. Жумладан, “коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат хизматчисининг мулклари, даромадлари ва уларнинг манбаълари, харажатларини назорат қилиш”. Иккинчидан, давлат хизматчиларига нисбатан активлар декларацияси механизмини жорий қилишдан олдин капитал амнистиясини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу амнистия орқали мансабдор шахс ихтиёрий равишда мамлакат ичидаги ва ташқарисидаги ўзига тегишли пул маблағлари, мулклари ёки учинчи шахс орқали эгалик қилаётган мулкларини, корхонадаги улушларини қонунийлаштиришга имкон берилади. Ўз навбатида, давлат мансабдор шахс томонидан очиқланган бойликларга нисбатан жазо чоралари кўрилмаслиги кафолатланиши лозим бўлади. Капитал амнистияси ўтказилгандан сўнг активлар декларациясини татбиқ этиш мансабдор шахслар ўртасида “шок ҳолати” юзага келишини олдини олади. Ундан ташқари, кейинги даврларда активлар декларацияси маълумотларини текширишда ва уларни таҳлил қилишда қийинчиликлар юзага келмайди. Учунчидан, Республикамизда жисмоний шахслар даромадларини умумдекларациялаш тизимига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчи босқичда жисмоний шахслар даромадларини мавжуд декларациялаш асосида солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, иккинчи босқичда декларация асосида солиққа тортиладиган даромадлар кўламини кенгайтириш, бунда юқори даромадга эга ҳамда йирик истеъмол товарлари сотиб олган жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш асосида солиққа тортишни назарда тўтиш, учинчи босқичда солиқ солинадиган даромадга эга бўлган барча жисмоний шахсларни йиллик даромадларини декларациялаш асосида солиққа тортишни жорий этиш. Тўртинчидан, хорижий давлатлар тажрибасида активлар декларацияси маълумотларини қайта ишлаш ва назорат қилиш асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус орган ёки солиқ хизматида бириктирилган бўлади.

Республикада активлар декларацияси маълумотларни қайта ишлаш ва уни таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаментига ушбу вазифаларни юклаш. Назорат қилувчи органга активлар декларацияси маълумотларини ҳаққонийлигини текшириш ва уларни таҳлил қилиш учун давлат идораларининг маълумотлар базаси билан солиштириш имконини бериш. Хусусан, ушбу маълумотларга қуйидагилар киради: - ДСК

маълумотлар базасига; - IV маълумотлар базасига; - Ергеокадастр маълумотлар базасига; - Қимматли қоғозлар бозори; - Нотариус хизматига; - Банк маълумотларига (Банк сирини таъминлаш мақсадида электрон сўров орқали) ва бошқа тегишли ташкилотларга. Марказий банк ва бошқа тегишли ташкилотлар назорат қилувчи органнинг сўровига 1 иш куни муддат ичида жавоб беришга мажбурий қилиб белгилаш. Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида, вазирлик ва давлат органларида Одоб ахлок комиссияларига ходимларининг фақат активлар декларацияси маълумотларини кўзатиш имконини яратиш. Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Коррупцияга қарши” Конвенциянинг 8-моддасига (хдр бир иштирокчи давлат, ўз ички ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, мансабдор шахсларни тегишли органларга, фаолияти давомида манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган хизматдан ташқари фаолият, машгулотлар, инвестициялар, мулклари ҳамда тухфа ёки нафлари тўғрисида декларацияларни тақдим этишга мажбур қиладиган чора ва тизимларни ишлаб чиқади) қўшилиши ва уни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ифодаланиши ҳамда, ушбу Конвенциянинг 20-моддасига (хар бир иштирокчи давлат, ўз конституцияси ва ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида, ноқонуний тарзда бойлик орттирилишини, яъни оммавий мансабдор шахс активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берила олмайдиган даражада ошиб кетишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади) қўшилиши ва уни ЖКнинг Махсус қисмида ифодалаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Олтинчидан, хорижий давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикасида активлар декларациясини татбиқ этишда декларация тақдим қилганларнинг маълумотларини саралаш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда назорат қилиш учун дастлаб республика миқёсидаги бўлим бошлиқлари ва улардан юқори даражадаги мансабдор шахслар ҳамда уларнинг яқин қариндошлари (ота-она, турмуш ўртоғи, фарзандлари) учун қўллаш. Бундан ташқари, сайловларда иштирок этиш учун ўз номзодини қўйган сиёсатчиларга ҳам тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, овоз беришда иштирок этаётган фуқаролар сиёсатчининг даромадлари коррупция эвазига шаклланмаганлигини англашлари зарур. Бу жараёнларнинг афзалликларидан бири шаффофлик тамойилини шакллантиришда хизмат қилади. Еттинчидан, мамлакатда коррупцияга қарши кураш ва ноқонуний маблағларнинг легаллаштириш бўйича нақд пул айирбошлашнинг чегаравий

қийматларини ўрнатиш. Хорижий давлатларда коррупция ва хуфиёна иқтисодиётга қарши курашда ушбу механизмдан фойдаланилади. Бу каби механизмни ўрнатиш активлар декларациясидаги харажатлар қисмидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, Хилой Халқ Республикасида давлат хизматчиларига ойлик иш ҳақи даромадлари пластик карталарга орқали тўлиқ амалга оширилади. Ушбу механизмни мамлакатимизда амалга оширилиш натижасида, даромад ва харажатлар ўртасида аниқланган тафовутни исботлашга хизмат қилади. Саккизинчидан, активлар декларацияни тақдим қилмаганлиги учун жазо чоралари адолатли, пропорционал ва таъсирчан бўлиши керак. Бироқ, активлар декларациясини тақдим қилишда дастлабки босқичида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги шаклланмаганлиги ҳисобга олиб жазо чораларини енгил турларидан фойдаланган мақсадга мувофиқ. Бу каби ҳолат, Латвияда кузатилган бўлиб, Латвияда бошланғич босқичда 100 та мансабдор шахсдан 19 тасида хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Тегишли тушунтириш ишлари олиб борилгандан сўнг кейинги йили декларация тақдим қилганларнинг 94 фоиз беҳато маълумотларни тақдим қилган. Асосан бошланғич босқичда тахминан 1-3 йил давомида активлар декларациясини тақдим қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо турларини кулламаган ҳолда ОАВлари ва интернет сайтлари орқали уларнинг номларини кенг оммага эълон қилиб бориш. Хорижий мамлакатларда декларация маълумотларини текширишда “коррупция индикатори”, яъни мансабдор шахснинг ва унинг оила аъзоларининг даромадлари ва харажатларининг ўртасидаги тафовутни аниқлаш ҳисобланади.

Декларация маълумотларини текширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим ҳисобланади:

- Дастлабки (автоматлаштирилган тарзда) текширув:
 - Шахсий маълумотлардаги хатоликлар;
 - арифметик хатоликлар
- Умумий текшириш:
 - Мавжуд мулклар қийматининг ҳақиқийлиги;
 - Кўрсатилган даромадларнинг аниқлиги;
 - Даромад манбалари ва мулкларнинг тўлиқ кўрсатилганлиги;
 - Манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги. Активлар декларацияси белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик учун мансабдор шахслар учун жазо чораларини белгилашда икки турга ажратиш керак бўлади.

Хусусан: а) биринчи гуруҳга:

- активлар декларацияси маълумотларни умуман тақдим этмаган;
- декларацияни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун жазо.

б) иккинчи гурухга:

- маълумотларни тўлиқ тақдим этмаганлиги учун;
- ёлғон маълумотларни тақдим этганлиги учун; Биринчи гурухга кирувчи жазо турларига маъмурий жавобгарлик ва интизомий жазо чораларини қўллаш керак.

Бунда, декларацияни ўз вақтида тақдим қилмаганларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача маъмурий жарима қўлланилиши керак. Ундан ташқари, маъмурий жарима қўлланилгандан сўнг ҳам декларация маълумотларини тақдим этишдан бош тортган мансабдор шахсларга нисбатан ишдан бўшатиш ва жиноий жавобгарлик чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи гурухга таалуқли жазоларга жиноий жавобгарлик чораларини киритиш лозим. Маълумотларни тўлиқ тақдим этмаганлиги ёки ёлғон маълумотларни тақдим этганлиги назорат килувчи орган томонидан аниқланган тақдирда мансабдор шахс жиноий жавобгарликка торгилиши керак. Хорижий давлатларда, жумладан Гуржистон, Италия, Польша, Буюк Британияда 2-гурухга кирувчи қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш белгиланган. Мансабдор шахснинг ишлаб топилган даромади ва орттирилган мулкка нисбатан салбий тафовут аниқланса ҳамда ушбу тафовут исботлаб берилмаган тақдирда аниқланган мулкни ёки унга тенг миқдордаги мулкни конфискация қилиш чораларини кўриш. Бунда, конфискация қилиш жараёнини 2 босқичда амалга ошириш лозим. Биринчи босқичда декларация маълумотларини назорат килувчи орган томонидан мулкни асосиз орттирилганлигини исботлаш мақсадида тегишли суриштирув ишларини олиб борилади. Ушбу жараёнга гувоҳ ва мансабдор шахс жалб қилинади. Агар мулк ноқонуний орттирилганлиги аниқланган тақдирда тўпланган маълумотлар судга тақдим қилинади. Кейинги босқичда эса суд конфискация қилиш (мулкни ўзини ёки унга тенг суммани қайтариб олиш) бўйича қарорни эълон қилади. Туккизинчидан, активлар декларацияси маълумотларини тақдим этишда асосий урғу коррупцияга қарши курашишни қамраб олиши керак. Жумладан, мансабдор шахслар томонидан маълумотларни тақдим қилишда унинг иш жойи ўзгарганлигига эътибор қаратиш лозим. Республикада мансабдор шахсларга нисбатан активлар декларациясини татбиқ қилинганда уч хил декларация тақдим қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- мансабдор шахс ўз фаолиятини бошлаган муддатдан сўнг 30 кун ичида декларация маълумотларни тақдим этиш;
- Хар йили 1 апрелга қадар декларация маълумотларини тақдим қилиш;
- ўз фаолияти муддати тугагандан сўнг 30 кундан кечиктирмай декларация

маълумотларини топшириш. Активлар декларациясида мансабдор шахснинг (яқин қариндошларининг) эгаллик ҳуқуқи ва шартнома асосида тегишли бўлган кучмас мулки, транспорт воситалари ҳамда даромади миқдори ва унинг манбаи, банкдаги ҳисоб рақамлари, нақд пул ва қимматбаҳо буюмлари (20 млн. сумдан юқори бўлган), харажатлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиш мажбуриятини белгилаш; Декларация маълумотларини ошкоралигини таъминлашда умумий маълумотларни очиқлаш лозим ҳисобланади. Аҳолига давлат хизматчисининг маълумотларини интернет орқали эълон қилишда объектларнинг манзили ва даромадларининг манбаларини кўрсатмаслик мақсадга мувофиқ. Сабаби, декларация маълумотларини жиноят йўлида фойдаланилмаслигини олдини олиш зарур. Бундан ташқари, журналистик суриштирувни амалга ошириш доирасида мансабдор шахсларнинг тўлиқ маълумотлари назорат қилувчи органга тақдим қилинган сўровга асосан журналистларга тақдим қилиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини татбиқ этиш ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, соҳадаги мавжуд муаммоларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали бартараф этиш мумкин. Умуман олганда, мамлакатимизда активлар декларацияси маҳанизмини татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, декларацияни жорий қилишда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ва моддий таъминотига алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Коррупция тушунчаси.
2. Коррупцияга қарши кураш тушунчаси.
3. Коррупцияга қарши курашишнинг Конституциявий асослари.
4. Коррупцияга қарши курашишнинг меърий-ҳуқуқий асослари.
5. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий нормалари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси.

Фуқаролик жамияти (Услужий кўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.

5. Ўтамурадов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув кўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.

6. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.

7. Хақимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

3- мавзу: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари

Режа:

1. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш субъектлари. Коррупцияга қарши кураш идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.

2. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқароларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси ва уларнинг фаоллигини ошириш механизмлари.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда коррупцияга қарши курашишнинг зарурлиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юксалтиришда коррупцияга қарши курашишнинг аҳамияти.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 май куни Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармонни имзолади. Ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишга қаратилган. Фармон билан 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди ва Сенат раиси Ниғматулла Йўлдошев бошчилигидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилади. Улар жойларда коррупцияга қарши курашиш

соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш, жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб боради. Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат экани белгиланди:

- суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;
- давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;
- давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;
- фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши

ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича: коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради; идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради; Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди; ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади. 1 сентябрдан бошлаб таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ этилиши лозим. Бундан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилади. Уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши лозим. 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилади. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилди. Қўшимча равишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати

механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган «Йўл харитаси» лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш кўзда тутилган. Коррупциянинг намоён бўлиши ва ривожланиши бевосита унга қарши курашиш механизми тўғри шакллантирилганлиги ҳамда доимий равишда жамиятдаги мавжуд ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилиши ёки умуман янгиланиши билан боғлиқдир. Активлар декларациясини жорий қилишдан асосий мақсад коррупцияга қарши кураш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ҳисобланади. Куплаб давлатлар томонидан активлар декларацияси маълумотларини ошкоралигини таъминлаш коррупциявий муҳитнинг қисқаришига олиб келган. Коррупция барометри кўрсаткичининг паст даражада бўлиши бевосита мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига туртки бўлади. Натижада, мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиги ортишига имкон яратади. Халқаро тажрибани ўрганиш натижасида активлар декларациясини йиғиш ва қайта ишлашда турли хил институционал асослар мавжудлиги кузатилди. Институционал асосларни 2 та - ички ва ташқи кўринишга ажратиш мумкин. Декларация маълумотларини қайта ишлаш ва назорат қилишда ички институционал гуруҳига қуйидагилар киради: • Ташкилот раҳбари ёки юқори турувчи раҳбарият ва раҳбар ваколат берган тузилмалар. Одатда бу турдаги институционал асоснинг кўриниши мансабдор шахслар томонидан ўзлари фаолият олиб бораётган ташкилотнинг юқори турувчи бошлиғига (ёки махсус бўлимига) декларация маълумотларини тақдим қилиш билан амалга оширилади. Хусусан, хорижий давлатлар тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак. Литвада давлат хизматчилари юқори турувчи раҳбарига, марказий ёки ҳудудий махсус бириктирилган бўлимлардан бирига декларация маълумотларини тақдим қиладилар. Юқори мансабдаги шахслар эса активлар декларацияси маълумотларини Расмий этика комиссиясига топширадилар. Шунингдек, худди шундай жараён Эстонияда ҳам амалга оширилади. • Конун чиқарувчи орган ёки Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ички назорат. Активлар декларацияси Парламент аъзоларига махсус талаблар мавжуд бўлганда Конун чиқарувчи органда ички назорат тизими қўлланилади. Ушбу талаб қонун чиқарувчи орган бошқа органлардан мустақил бўлиши керак деган тамойилга асосланади. Парламент декларация маълумотларини назоратини таъмирлаш ва жазо чораларини қўллаш ни ўз мажбуриятига олади. Мисол учун бу каби тартиб Германияда Бундестаг аъзолари учун,

Ирландияда Сенат аъзолари учун, Испанияда Конгресс аъзолари учун, Буюк Британияда Парламент ва Лордлар палатаси аъзолари учун амал қилади. Шунингдек, Данияда активлар декларациясини тақдим қилган вазирлар учун Вазирлар Маҳкамаси маълумотлар базасида алоҳида реестр юритилади.¹ Активлар декларацияси маълумотларини жамлаш ва қайта ишлашда асосий ташки институционал асослар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Декларация маълумотлари билан ишловчи коррупцияга қарши курашиш (манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш) бўйича ихтисослаштирилган махсус органлар. Сунгги йилларда кўплаб мамлакатларда коррупцияга қарши кураш бўйича махсус идораларнинг вазифаларидан бири сифатида давлат хизматчиларининг декларация маълумотлари билан ишлаш вазифаси юклатилмоқда. Ушбу субъектлар бошқа давлат органларидан мустақил макомга эга бўладилар. Коррупцияга қарши курашда активлар декларацияси муҳим ҳисоблангани боис асосан давлат органларини камраб олиб, фуқароларнинг декларациялари билан камдан кам ҳолларда шугулланадилар. Бу каби тизимларни қўлловчи мамлакатларга Черногория, Сербия ва Словенияни киритиш мумкин. Албания ва Руминия мамлакатларида асосий вазифаси коррупцияга қарши курашда активлар декларацияси маълумотлари билан ишловчи махсус ташкилот фаолият олиб боради. Солиқ хизмати органлари. Кўплаб хорижий мамлакатларда даромадларни умумдекларациялаш механизми орқали маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш солиқ хизмати органларига юклатилган. Уз навбатида, мамлакат фуқароси сифатида давлат хизматчиси томонидан тақдим қилинган маълумотлар таҳлил қилиниб борилади. Бу каби амалиёт постсовет давлатларидан Арманистон ва Козоғистон Республикаларини мисол қилиб келтириш мумкин.² Жаҳон банки томонидан 2006 йилда мамлакатларда активлар декларацияси татбиқ этилиши юзасидан 147 та мамлакатнинг қонунчилиги ўрганилганда, шундан 101 та давлатда мансабдор шахсларнинг даромадлари, харажатлари ва мулкларини назорат қилувчи механизмни қўллаш бўйича норматив ҳужжатнинг мавжудлиги аниқланган. Шундан, 31 та мамлакат декларация маълумотларини кенг жамоатчиликка эълон қилиниши маълум бўлган. ³ Шунингдек, Жаҳон банки томонидан юқоридаги каби тадқиқотлар 2012 ва 2017 йилларда ҳам 176 мамлакат доирасида утказилган бўлиб, унинг натижасига кўра 2012 йилда 156 та¹, 2017 йилда 161 та^{37 38 39} давлатларда декларация механизмини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мавжудлиги аниқланган. Хорижий давлатларининг коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини татбиқ этиш бўйича қонунчилиги таҳлили, ушбу иллатга қарши курашда кўплаб мамлакатлар сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири эканлигини

кўрсатмоқда. Сунгги йилларда хорижий давлатлар томонидан коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини тартибга солувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу борадаги фаолиятнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, декларация маълумотларини ошкор қилиш шахсий маълумотлар билан боғлиқ бўлганлиги боис, ушбу жараёнларни тартибга солишда норматив ҳужжатлар хусусан конституцияда, қонунда ёки энг камида ҳукумат қарорларида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Давлат хизматчилари томонидан активлар декларацияси механизмини қўллашнинг мажбурийлигини Конституцияга киритилиши ноъананавий ҳолат бўлиб, хатто, ушбу тизим жуда яхши ривожланган давлатларда хусусан, Америка Қўшма Штатларида ва Европа Иттифоқида аъзо давлатларда ҳам конституциявий мақом билан белгиланмаган. Бироқ, бу ҳуқуқий жиҳатдан мансабдор шахсларнинг декларация талабларини таъминлаш учун энг кучли шакл ҳисобланади. Мавжуд маълумотларга кўра, Колумбияда давлат хизматчилари ўз хизмат вазифасига киришишдан олдин, пенсия ёшига етганда ҳамда лавозимдан озод қилингандан сўнг мажбурий тарзда даромадлари ва мулкларининг умумий миқдори тўғрисида маълумот беришлари Конституция билан мажбурий қилиб белгиланган. Одатда, активларни декларациялаш механизмининг мақсади, вазифаси ва камров даражасига қараб Қонун ёки қонуности норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Активлар декларацияси татбиқ этилишини ва фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосларни уч тоифага ажратиш мумкин. Хусусан, биринчи гуруҳга давлат хизматини тартибга солувчи умумий қонунлар таркибида кўрсатилади (мисол учун, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда), иккинчи гуруҳда махсус декларациялашни тартибга солувчи қарор, фармонлар асосида тартибга солинади ("Даромадлар, харажатлар ва мулк декларацияси тўғрисида"ги Президент Қарори), учинчи гуруҳда эса, коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига қарши 37 Ivana Rossi and others. Using asset disclosure for identifying political exposed persons. The World Bank Group. 2012. http://siteresources.vvorldtenk.org/FINANCIALSKCTOR/ResourcesAJsing_ADJo r_PEP_identification.pdf 38 Ivana M. Rossi and others, Getting the Full Picture on Public Officials A How-to Guide for Effective Financial Disclosure, World Bank, 2017 39 Колумбия Конституцияси (1991 й.), 122-модда. http://xonfnuk.r.nchmond.edu/achmwdocs/Colombia_const2.pdf қаратилган махсус норматив ҳужжатлар ("Давлат хизматчисининг ахлоқ этикаси тўғрисида"ги Қонун) билан тартибга солинади.

Коррупцияга қарши курашда активлар декларациясини татбиқ этган давлатларда ушбу механизмнинг самарадорлигига қараб 3 гуруҳга ажратилди: Биринчи гуруҳ декларация механизмини қўллаш бўйича самарадорлиги бошқа давлатларга нисбатан юқори бўлган давлатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Сингапур, Корея Республикаси ва бошқ.). Ушбу гуруҳга кирувчи давлатлар декларация маълумотларни ошкоралигини таъминланганлиги, электронлаштирилганлиги, ноқонуний даромад аниқланишида кенг қўлланилиши билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, АҚШда 1978 йилда қабул қилинган “Давлат мансабдор шахсларининг этикаси тўғрисида”ги Конунга асосан бугунги кунга қадар АҚШнинг учта федерал хокимияти, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятининг давлат хизматчилари активлар декларациясини тақдим этиши белгилаб қўйилган. 1 Хусусан, ушбу Конуннинг 101-моддасига асосан президент, вице президент, Конгресс аъзолари, федерал даражадаги судьялар, президент тайинлаган мансабдор шахслар ва бошқа мансабдор шахслар активлар декларациясини тақдим этишлари мажбурийдир 40, 41 . Шунингдек, декларацияда куйидаги маълумотларни тақдим этилиши керак (102- модда): - жами даромадлар, жумладан, дивидендлар, депозит бўйича фоизлар, мулк ҳисобидан олинган даромадлар ва гонорарлар; - нодавлат ташилотларидан олинган молиявий ва бошқа даромадлар; - жисмоний ва ёки юридик шахслардан 50 АҚШ долларидан юқори бўлган совғалар; - қарзлар, жумладан, молиявий ва бошқа мажбуриятлар; - турли хил ташкилотлар билан келгусида бажариладиган иш ёки хизмат кўрсатиш бўйича тўзилган шартнома суммалари; - яқин оила аъзолари (эри, хотини, (вояга етмаган) фарзандлари ва б.) иш фаолият олиб бораётган ёки алоқаси бўлган барча корпорация, компания ва бизнес ташкилотларининг руйхати; - давлат хизматчисининг, шу жумладан турмуш ўртоғининг ва фарзандларининг барча кредиторлари ҳамда кўчмас мулклари руйхати; - мавжуд мол-мулкнинг келиб чиқиш манбалари ва қиймати тўғрисидаги маълумот; - депозитлар, олинган ва берилган моддий ёрдам ҳамда олинган кредитлар тўғрисида маълумот. Мансабдор шахсларнинг активлар декларацияси маълумотлари 6 йилгача оммага очиқлиги таъминланиши белгилаб қўйилган. Бироқ, айрим истисно тарзидаги шахслар мавжуд, улар жумласига, разведка фаолияти билан шуғулланувчи мансабдор шахсларнинг (агар Президент уларнинг маълумотларининг ошкоралиги миллий хавфсизликка таҳдид юзага келтиради деб белгиласа) ва судьяларнинг (иш фаолиятини олиб бориш учун шахсий ва оила аъзоларининг хавфсизлиги мақсадида) маълумотлари оммага ошкоралиги чекланган. Тақдим қилинган маълумотлар махсус бириктирилган шахс ёки комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади.

Камчиликлар аниқланган такдирда, аниқлаштириш мақсадида кўшимча маълумотлар сўралади ёки суҳбат ўтказилиши мумкин. Жиддий конунбузарлик аниқланган такдирда жиноят иши кўзгатилади. Шунингдек, АҚШда ҳукумат амалдорлари ва парламент аъзолари ўзларининг ҳамда яқин қариндошлари (фарзандлари, турмуш ўртоғи) ва ота-оналарининг харажатарлари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни Одоб-ахлоқ бошқармасига тақдим этишлари шарт қилиб қўйилган. 40 OECD, Asset declarations for public officials: A tool to prevent corruption, 2011. p22, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264095281-en>; 41 Titles I-V ethics in Government Act of 1978 <https://legcounscl.house.gov/Comps/Ethics%20in%20Government%20Act%20of%201978.pdf> Гуржистон Республикасида мансабдор шахсларнинг даромадлари ва мулкларини назорат қилиш механизми 1998 йилдан бошлаб татбиқ этилган. Грузияда декларация маълумотларини юқори лавозимдаги мансабдор шахслар тақдим қиладилар. 2010 йил 1 февралдан бошлаб декларацияни тақдим қилиш қоғоз кўринишидан электрон кўринишга ўтказилган. Мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзолари турар ва нотурар мулкларини (автотраспорт воситаларини, заргарлик буюмларини ва бошқа 6000 АҚШ долларидан юқори бўлган Қимматбаҳо буюмларини), банкдаги ҳисоб ракамларини, нақд пул миқдори, совталар, харажатлари ва акцияларини кўрсатишлари шарт. 42 43 Бугунги кунда, 5600 дан ортиқ юқори даражадаги мансабдор шахслар электрон кўринишдаги активлар декларациясини тақдим қилиб келмоқда. Декларация очик ва ошкоралиги таъминланган бўлиб, 59000 дан зиёд декларациялар <https://declaration.gov.ge> веб сайтыда эълон қилинган.

Декларация тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бориш сиёсати Грузия давлати томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2015 йилда “Давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашуви ва коррупция тўғрисида”ги Конунга ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, 2017 йил 1 январдан бошлаб декларация маълумотларини назорат ва таҳлил қилиш ишларини Давлат хизматлари Бюроси амалга оширмоқда. Активлар декларацияси маълумотларини тақдим этмаган ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳамда маълумотларни яширганлиги ёки сохталаштирганлиги аниқланганда жиноий жавобгарлик жазо чоралари қўлланилади. Шунингдек, даромад, харажат ва мулкларни назорат қилиш механизмлар самарадорлиги юқори бўлган Осиё мамлакатларидан Сингапур, Малайзия, Япония ва Корея Республикасини кўрсатиш мумкин. Хусусан, Корея Республикасида 1981 йилдаги “Давлат хизмати этикаси тўғрисидаги 3520-сонли Конунига асосан 1993 йилдан бошлаб давлат хизматчилари орасида коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашда, уларнинг

даромад, харажатлари ва мулкларини назорат қилиш механизми ҳисобланувчи активлар декларацияси амалиётга татбиқ этилди. Ушбу Конуннинг 4-моддасига асосан, барча юқори даражадаги мансабдор шахслар уларнинг оила аъзолари моддий ва номоддий мулклари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ташкилотлардаги улушлари ёки алоқадорлигини маълум қилишлари керак. Маълумотларни кўрсатиш белгиланган кўрсаткичдан ортган қийматликларни декларацияда кўрсатилиши лозим. Хусусан, нақд пул, банк ҳисоб ракамлари Қимматли қоғозлар 10.900 АҚШ долларидан, олтин, платина, Қимматбаҳо тошлар қиймати 5.450 АҚШ долларидан ортиқ бўлганда ҳамда йилига 10.900 АҚШ долларидан фойда келтирадиган номоддий мулклар активлар декларациясида маълумотларида тақдим этилиши керак. 44 45 Тақдим этилган декларациялар Ахлоқ кумитаси томонидан текширилади. Шунингдек, мансабдор шахс ва унинг оила аъзолари декларациялари тақдим қилинган кундан бошлаб кенг жамоатчиликка ошқора қилиниши 30 кундан кечикмаслиги керак. Сайловларда иштирок этмокчи бўлган фуқаро, ўз номзодини эълон қилишдан олдин активлар декларациясини тақдим этган бўлиши зарур⁴⁶. Иккинчи гуруҳ декларация механизмини татбиқ этган лекин самарадорлиги урта даражадаги (Чили, Аргентина, Эстония ва бошқ.) давлатлар. Чилида активлар декларацияси 5 январь 2006 йилдаги “Давлат функцияларини бажараётган шахсларга активлар декларациясини қўллаш тўғрисида”ги 20.088-сонли Конунга биноан татбиқ этилган⁴⁷. Ушбу Конуннинг 1 моддасига асосан, хокимиятнинг 42Asset declarations <https://wvAv.right2info.org/testing/deleted-stutl/asset-declarations#section-15> 43Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Ёвроны и Цешральной Алии, Достижения и проблемы 2013-2015 ГГ. Ф ОЭСР 2016 44 Korea, <https://star.worldbank.org/sites/star/files/korea-ad-country-profile.pdf> 45Public service Ethics Act of Korean Republic, <http://unpanl.un.org/intradoc/groups/public/documents/apcity/unpan019099.pdf> Asset declarations <https://\vwww.right2info.org/tcsting/deleted-stuff/asset-declarations/> 47 Reglamento para la deelaracion Patrimonial de bienes dc la, <https://\uv\\.right2mto.org/> барча (суд, ижро, конун чиқарувчи) тармоқларидаги энг камида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият олиб бораётган рахбар ходимлардан бошлаб юқори даражадаги мансабдор шахсларгача татбиқ қилинади. Декларация тақдим этилаётганда мансабдор шахснинг эгалик, шерикчилик, ишончнома ва ижара ҳуқуқи асосидаги барча кучмас ва транспорт мулкларини, шунингдек қимматли қоғозларини (акция, облигация, банкдаги ҳисоб ракамлардан олиқган фоизларни, бошқа шахсга берилган қарз ҳисобидан олинган даромадларни) ҳамда Чилида ва хорижий

мамлакатларда руйхатдан утган корхона, ташкилотлардаги улушини мулк ёки пул кўриниши бўлишидан катъи назар миқдорини кўрсатишга мажбур. Чили амалиётининг бошқа давлатлардан фарқли жихати шундаки, унда агар давлат хизматчисининг маълумотлари, яъни иш жойи, лавозими шунингдек мулкида ўзгариш бўлмаса, декларация маълумотларини мажбурий тақдим қилиш муддати 4 йилда (4- йилнинг охириги 30 кунда тақдим қилиш керак) бир маротабадир. Агар ўзгаришлар юзага келса, ўзгариш кунидан бошлаб 30 кун ичида декларация маълумотларини Марказий ёки худудий Молия бошқармасига тақдим қилинади. Декларация 2 нусхада тақдим қилиниб, бир нусхаси давлат хизматчисига қайтариб берилади. Давлат хизматчиси маълумотлари янгилангандан сўнг декларацияни ўз вақтида тақдим қилмаганлиги учун 5-15 UTM (Чилида солиққа тортиш мақсадида қўлланиладиган пул бирлиги), агар декларация мажбурий муддатидан кеч топширилса 10-30 UTM миқдориде жаримага тортилади. Аргентинада активлар декларациясини 1999 йилдаги “Мансабдор шахсларнинг этикаси тўғрисида”ги № 25.188 - сонли Конунига асосан тартибга солинади. Унга кўра, коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашда учта давлат хокимияти, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятининг давлат хизматчилари ҳамда сайловга ўз номзодини қўйган шахсларни қамраб олган.

Мексиканинг FUNDAR ташкилоти ҳисоботида, Аргентина 2000 йилда активлар декларациясининг қабул қилишнинг электрон кўринишда қабул қилувчи платформами жорий қилганини кўрсатган. Ушбу ташкилотнинг маълумотларига кўра, электрон платформа 36000 дан ортиқ федерал даражадаги мансабдор шахсларнинг маълумотларини жамлаш имконини беради. Платформага қабул қилинган декларацияларни коррупцияга қарши кураш макс ад и да қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва текшириш учун икки давлат органи жавобгар ҳисобланадилар. Булар, Коррупцияга қарши кураш органининг, Активлар декларацияси бўлими (the Asset Declaration Unit) ва Тергов Департаментга (the Investigations Department) ҳисобланади¹. Умуман олганда, активлар декларацияси маълумотлари Коррупцияга қарши кураш бюросига тақдим этилади. Дастлабки босқичда, Активлар декларацияси бўлими ходимлари коррупцион аломатлари мавжуд декларацияларни синчковлик билан маълумотларнинг ҳақиқийлиги текширилади. Агар коррупцион аломатлар мавжуд бўлса кейинги босқичда декларацияларни Тергов Департаментга тақдим этилади. Кейинги босқичда Тергов Департаментга мансабдор шахсга нисбатан суриштирув -тергов ишларини олиб боради. Шунингдек, электрон платформа жорий этилгандан бошлаб маълумотларни ошкор этиш бўйича 1000 дан ортиқ журналистлар томонидан сўровномалар қабул қилинган. Мансабдор шахсларнинг электрон

платформага активлар декларацияни тақдим этиш интизоми 96%ни (дастлабки йилларда 67%ни) ташкил этмоқда. Аргентинада “Мансабдор шахсларнинг этикаси тўғрисида”ги № 25.188 - сонли Қцнунига асосан мансабдор шахсларнинг ошқор қилинган маълумотлари ноқонуний, тижорат ва жинойтчилик йўлида фойдаланиш таъқиқланади. Журналист суриштируви бундан мустасно. [resources/publications/asset-declarations/chile-law-no.-20.088-establishing-an-obligation-for-authorities-exercising-public-functions](https://www.right2info.org/resources/publications/asset-declarations/chile-law-no.-20.088-establishing-an-obligation-for-authorities-exercising-public-functions) 'Fighting corruption by improving Transparency and access to information https://www.right2info.org/resources/publications/assetdeclarations/fundar_figlitongcoiTuptionbyimprovingtransparencyandaccesstomformation_2012 Активлар декларацияси мансабдор шахс янги лавозимга тайинланган кундан бошлаб ва ҳар йили ушбу санадан кейинги 30 кун ичида, ундан ташқари, лавозимдан озод этилган кундан бошлаб 10 иш кунда тақдим этишлари лозим. Активлар декларациясида шахсий, оила аъзолари таркиби тўғрисида, иш жойи тўғрисида, йил боши ва йил охирига кучмас мулки тўғрисидаги, даромадлари ва харажатлари манбаси ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади. Аргентинада мансабдор шахсларнинг ошқора қилинган активлар декларацияси маълумотларини текширишда фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг ўрни юқори. Аргентинанинг LaNacion журнали томонидан ўзининг расмий сайтида ишга туширилган лойихага1 кўра аргентиналик мансабдор шахсларнинг активлар декларацияси маълумотлари журналистларга эркин фойдаланиш учун тақдим қилинади. Унга кўра, ҳар бир мансабдор шахсларнинг даромадлари, харажатлари, кучмас мулклари ва транспорт воситалари сони ва суммаси йиллар кесимида ўзгариши тенденциялари кўрсатиб борилади. Бу эса, мутахассислар томонидан, коррупцияга қарши курашда самарали механизм сифатида қарши олинган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Коррупцияга қарши кураш субъектларини санаб ўтинг.
2. Коррупцияга қарши курашда идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.
3. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқароларнинг фаоллигини ошириш.
4. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.
5. Коррупцияга қарши кураш фуқаролик жамияти институтлари тўлақонли фаолиятининг кафолати сифатида.

АДАБИЁТЛАРРЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
5. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
6. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
7. Хакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

4-мавзу: Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари

Режа:

1. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги даврида коррупцияга қаршииш соҳасида амалга оширилаётган ишлар. Янги тараққиёт босқичида мамалакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар.
2. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.
3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва истиқболли режаларнинг ишлаб чиқилиши.

Фуқаролик жамияти муаммоларини ўрганиш куйида келтирилган бир қатор жиҳатларни ўрганишни ўз ичига олади жамиятдаги ишсизлик масаласини ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга

татбиқ қилиш ёшларни ижтимоий реаллик сифатида ва уларнинг ёш билан боғлиқ психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни маънавий ва ватанпарвар ҳамда баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган давлат дастурлари ижросини таъминлаш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделларини ҳамда таълим ва тарбия беришнинг социология муаммоларини ўрганиш ҳамда илмий ва амалий ечимларини ишлаб чиқиш мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциямизда белгилаб қўйилган нормалар ҳамда халқаро ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил этиш жамиятда қонунни ҳурмат қиладиган эркин фуқаро шахсни шакллантириш асосида ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушунган, ўз билими ва лаёқатига ишонган, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англайдиган ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни таҳлилий ўрганиш, бу соҳада барча сиёсий қарашларни фикр-мулоҳазаларини тадқиқ қилиш асосида ўрганиш натижаларига мувофиқ илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф, тавсия ва ечимларини ишлаб чиқиш Ватан, оила, маҳалла халқнинг қадр-қимматини ўз ўрнига қўядиган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган юксак савиядаги ривожланган шахсларни тарбиялаш вазифасини ҳал этишнинг илмий-амалий йўналиш-ларини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга татбиқ қилиш орқали мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб-чиқишда фаол иштирок этиш. Бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган долзарб масалалардан бири жиноятчиликни, жумладан, коррупция жиноятларини олдини олишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш орқали жиноятлар ичида жамият ва давлат тараққиёти учун энг хавфли бўлган иллат коррупцияга қарши курашиш ишларига жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда бу соҳага давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини таъминлаш коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини таъминлайди.

“Мамлакатимизда жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича кўриб чиқилган суд ишлари. Жиноят ишлари бўйича судларда 28730 та иш кўриб чиқилди: 590 киши оқланди ва реабилитация қилинди; 2449 киши судзалидан озод қилинди; 1597 киши шартли равишда ҳукм қилинди. Маъмурий судларда: 16567 та иш кўриб чиқилди: 12525 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди; 43605 кишининг маъмурий ҳуқуқбузарлигига доир 42978 та иш кўриб чиқилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларда 171889 та иш кўриб чиқилди: 62567 та иш сайёр судларда кўрилди. Иқтисодий судларда 320983 та иш кўриб чиқилди: 8.8 трлн. Сўм моддий компенсация ундириш бўйича ҳукм

чиқарилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир 32097 та иш кўриб чиқилиб, улар фойдасига 772,7 миллиард сўм ундирилди[1]”.

Судлар томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор, энг аввало, адолатли, қонуний ва асосли бўлиши шартлиги бу Давлатимиз раҳбарини ҳамда амалдаги қонун-ларнинг талаби бўлиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривож-ланишига хизмат қилади биринчидан, жамиятда юз бераётган туб ислохотлар шароитида коррупцияни олдини олишнинг ҳуқуқий-ижтимоий ва сиёсий моҳиятини тушун-тиришга қаратилган ташвиқот ишларини ташкил этишда ҳамда ижтимоий шерикчилик, жамоатчилик назорати, давлат органлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик назоратини амалга оширувчи кенгашлар билан ўзаро ҳамкорликка доир масалалар бўйича тадбирлар ташкил этиш ҳамда ижтимоий шериклик бюртмалари бўйича таклифлар тайёрлашда муҳим манба ҳисобланади.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий семинарларни ташкил этишда ушбу қўлланмадан фойдаланиш тавсия этилади.

Учинчидан, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамияти институтларини давлат ва жамият ривожланишига хизмат қилаётган нодавлат ноижорат ташкилотлар тажрибасини умумлаштириш асосида улар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш масалаларида ҳамкорлик қилиш ишларини ташкил этишда ўқув қўлланма материалларидан фойдаланиш ННТ фаолиятини амалга оширилаётган ислохотлар талабларига мувофиқ ривожланишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, Нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича тегишли ва асосли таклифлар беришда фойдаланиш мумкин.

Бешинчидан, Ўзбекистонда маърифий исломни ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг дин софлигини таъминлашга кўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишларни мазмун моҳиятини ҳамда муқаддас ислом дининг бағрикенглик тамойилларини, маърифий қадриятларини тарғиб қилиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини асраш, диний-маънавий меросни тадқиқ этиш, хавф-хатарларга қарши курашиш борасида Ўзбекистондан чиққан буюк алломаларнинг бой маънавий меросидан ҳамда бу соҳа бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мамлакатда диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини янада тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан давлатни халққа ва жамиятга хизмат қилувчи институтга айлантиришнинг олтин қоидаси яратилганлиги асосида амалга оширилаётган ислохотларни ижтимоий-иқтисодий ва маърифий ҳаётга тадбиқ қилиш масалаларини ҳал этишда фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимли равишда ривожлантиришга қаратилган дастурларни ҳуқуқий асослари ва ечимларини жамиятни ривожлантириш қонуниятларига мувофиқ такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Етинчидан, мазкур ўқув кўланма фуқаролик жамиятини тараққий эттиришга қаратилган муамоларни ўрганувчи жамиятшунос олимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари, Тингловчилари ва ННТлар фаолиятини ташкил қилган ва юритаётган ходимлар доираси учун мўлжалланганлигини қайд этаман. Мамлакатимизда шиддатли равишда халқ ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўзгариб боровчи шароитларига инсонларни ва айниқса ёшларни тайёрлаш, уларнинг касбий билимларини мунтазам равишда ошириб боришни йўлга қўйиш, тадбиркорлик-ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркор сифатида иқтисодий-ижтимоий нуқтаи-назарини ишлаб чиқишга қаратилган билимларини мунтазам равишда ошириб бориш, келажак режаларни амалга оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларига инновацион лойиҳаларни жорий қилишни назарда тутган билимларини юксалтириш ўз навбатида уларнинг ижтимоий манфаатларини, эҳтиёжларини, келажакдаги истиқболларини белгилаб олиш ва рўёбга чиқариш бугунги кунда шиддатли равишда амалга оширилаётган ислохотларнинг талабидир.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётини кафолати эканлиги, Ўзбекистон Республикасида ННТ-ларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги қонунчиликнинг такомиллаштиришни ҳуқуқий моҳияти ва иқтисодий-ижтимоий, маърифий асослари кейинги йилда Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилганлиги натижасида мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила - тадбиркор” ҳамда “Ёшлар

келажагимиз” соғлиқни сақлаш соҳасида тасдиқланган дастурлар доирасида амалга оширилган ишлар жамият аъзолари ҳисобланган барча фуқароларимиз қалбида Она-Ватан билан фахрланиш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш, Ватан ва ислоҳотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси ишончли асосда шаклланишига хизмат қилганлигини асосли равишда ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг барпо этишнинг асосий шартларидан бири фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда кўппартиявилик муҳитини мустақамлаш ва уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини рўйёбга чиқаришга қаратилган шарт-шароитларни давлат томонидан яратилиши жамиятни ижтимоий –иқтисодий ривожланишига олиб келиши муаллиф томонидан ишонарли тадқиқ ва таҳлиллар билан кўрсатилган. Бундан ташқари, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш: фуқаролик жамиятини ривожлантириш – кафолати сифатида Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб кўйилганлиги асосида мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг юксалтиришга хизмат қилишини асосли таҳлиллар ва далиллар билан ёритилганлиги ушбу ўқув қўлланманинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ёзилганлигини билдиради. Бизга маълумки, коррупция жамиятни ривожланишига қарши қаратилган ҳаракат сифатида ҳар қандай жамият ва давлатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқурлаштиришга сабаб бўладиган омил сифатида баҳоланади. Кўпчилик экспертлар томонидан жамиятда коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмаслиги қайд этилган. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолият комплекс-мажмуавий тарзда мунтазам равишда изчил амалга оширилиши яхши натижа бериши мумкин. Ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционерга эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади. Коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этишда қуйидаги-ларни инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжат-ларини замон ва ислоҳотлар талаблари даражасида такомиллаштириш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият аъзолари бўлган фуқароларимиз онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни мунтазам равишда шакллантириб бориш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил тадбиқ қилиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш ва оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, коррупцияга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чораларни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш.

Ҳар қандай давлатда коррупциянинг ривожланиши давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига салбий таъсир кўрсатади, натижада жамият аъзоларини мазкур давлатнинг органларига бўлган ишончига путур етказишга олиб келади.

“Жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Нега деганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслар қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги дунёқараши ўзгарди. Шу сабабли бу кодекслар бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади. Шунинг учун жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриш зарур”[2].

Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларини ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, халқаро экспертларни жалб қилиш ҳамда бугунги кунда шиддатли равишда амалга оширилаётган ислохотларни талабларига мувофиқ Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслар лойиҳаси норма ижодкорлиги асосида ишлаб чиқиш жамиятда жиноятларни шу жумладан коррупцион жиноятларни олдини олишга қаратилган нормаларни мустаҳкамлаш жамиятда жиноятларни ҳамда коррупцион жиноятларни олдини олинишига хизмат қилади. Ҳозирги глобллашув даврида ёки жараёнида коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада мавжудлигини кўриш мумкин. Аммо бу - барча давлатларда ҳам коррупция

бир хил деган маънони англамайди. Экспертларнинг хулосасига кўра, коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турли хил бўлиб, тарихий ривожланиш босқичи ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт даражаси билан белгиланади. Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий нормалар мажмуи ишлаб чиқилган. XX асрнинг 90 йилларидан халқаро ва минтақавий доираларда коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ халқаро шартномалар қабул қилина бошланди. Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама халқаро ҳужжатлар қабул қилинган:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси” (4);
- Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси (5);
- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси (6);
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январ-да қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси (7);
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябр-да қабул қилинган “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенцияси;
- 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси;
- БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси;
- МДҲ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупцияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади. Давлат ҳокимияти органларининг коррупциянинг

зарарли таъсирдан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукумати коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга олиб келган. 1978 йилда АҚШ Конгресси “Ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Ушбу Қонуннинг вазифаси давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалололигини сақлаш ҳамда бунга имконият яратишдан иборат. Канаданинг жиноят қонунчилигида “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “Ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишончли суистеъмол қилиш” мансабдорлик жиноятлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган. 1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддият юзага келган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида мужассам қилган Кодекс қабул қилинган. Канадалик қонун ижодкорларининг фикрига кўра, ушбу қонунлардан кўзланган мақсад – давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини оширишга қаратилганлигини қайд этишади. Давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш ва барҳам бериш мақсадида Францияда XX асрнинг 90 йилларида сайланган барча давлат хизматчилари ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида тегишли давлат идораларига маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шунингдек, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар қонун ижодкорлиги асосида яратилган.

Коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) тамойиллари ишлаб чиқилган ва ўзининг ижобий натижасини берган[3].

“Республика бўйича 2018 йилда 1561 нафар турли тоифадаги мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Буларнинг аксариятини – 580 нафар хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, 257 нафари – таълим соҳаси, 83 нафари – соғлиқни сақлаш тизими, қолган қисмини бошқа соҳа вакиллари ташкил қилади. Жинояти фош қилинган мансабдор

шахсларнинг 39 нафари республика, қолганлари вилоят туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келган. Жиноий жавобгарликка тортилган бу ходимларнинг 821 нафари ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, 138 нафари пора олиш ва бериш, қолганлари эса бошқа мансабдорлик жиноятлари учун жавобгар бўлган”[4]. Мазкур тахлилий материллардан ҳам кўриниб турибдики, кейинги икки йилда мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонидан изчил равишда амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳномалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири коррупцияга қарши тизимли равишда курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси халқаро ҳуқуқий талабларасосида белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) кўшилиши жамият тараққиётини амалга оширишнинг миллий механизми сифатида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори қабул қилинди. Коррупцияга қарши курашишнинг алоҳида институционал тузилмаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, ҳозирги кунда мазкур идора UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси), UNDP (БМТ тараққиёт дастури) ва OSCE (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича фуқароларнинг дахлдорлигини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берилиши давлат билан жамият аъзолари бўлган фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш изчил давом эттиришга шарт-шароитлар яоатмокда.

Фуқаролик жамияти бир вақтнинг ўзида муайян ғоя ва мафкура, аниқ асосга эга бўлган воқеликни қамраб олмасида унинг амалий характери билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Чунки бундай ўз-ўзини институционал бошқарув шакли бир томондан, шахсий эркинлик, ўзаро муносабатнинг тури

ва предметини эркин танлашга имкон берувчи ижтимоий муносабатларнинг аниқ соҳаси ва қизқишларни субъектив қондириш усули сифатида талқин қилинса, бошқа томондан, юзага келган аниқ воқеа-ҳодисага ўзига хос - кучли ва мустақил шахс нуқтаи назаридан ёндошиш имконини берувчи ижтимоий тизим сифатида ривожланиб боради. Масалан, АҚШда фуқаролик жамиятининг дастлабки расмий институтлари диний уюшмалар, мактаблар ва турар жойи бўйича ҳавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар сифатида фаолият олиб борган. Ғарбий Европада эса бундан фарқли равишда фуқаролик жамияти институтлари иқтисодий соҳада ўз-ўзини намоён қилиб, бу янги ва эски типдаги, олдинги уюшмалар ва корпоратив бирлашмалар асосида ташкил топган мустақил бозор ташкилотлари сифатида фаолият юритган. Германияда фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти гилдияда ўз аксини топиб, ўз вақтида ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва шаҳарларни бошқаришга ўзига хос таъсир ўтказишнинг дастлабки шакли сифатида қарор топган. Ўз навбатида европанинг Флоренция, Падуява бошқа шаҳарлари ўзини гилдияшаҳар(townsмен) сифатида шакллантирган¹.

Ҳозирги даврда ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда сиёсий партиялар таъсири ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Яъни шахс эркинлиги олий қадрият сифатида баҳоланади. Масалан, АҚШ, Буюкбритания, Австралияда мазкур принцип сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди. Кучли давлат аънаси Шарқ давлатлари каби кўпгина Ғарб мамлакатларига ҳам хос, айниқса Германия давлат бошқарув тизимида бу ҳолатга бевосита гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни Германия ижтимоийсиёсий ҳаётида давлатнинг роли жамият ҳаётини барқарорлаштиришдаги аҳамияти кучли ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат тузилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда миллий бирдамлик ғояси устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам шахсий эркинлик давлат қудратига боғлаб талқин этилади. Унга кўра давлат кучли бўлсагина, шахс қизқишлари ва эркинлигини ҳимоя қила олади. Яъни, давлат тартиби ғояси, миллий бирдамлик шахс эркинлигидан ҳам устун қўйилади. Бундай ҳокимият бошқарув тизими Германиядан ташқари Франция ва Японияга мамлакатларига хосдир. Шунингдек, Германияда фуқаролик жамияти соҳасида ва унинг фаоллигини

¹ Ашин Г.К., Кравченко С.А., Лозаннский Э.Д. Социология политики. Сравнительный анализ российских и американских политических реалий: Учеб. пособие для высших учебных заведений. - М.: Экзамен, 2001. –С. 608.

оширишда фуқарога нодавлат секторни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли объекти сифатида эътибор қаратилади. Германияда муҳим сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишида ҳамда инсоннинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим рол ўйнайди. Бунда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг таъминланиши фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаси деб қаралади. Давлат тизимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишида ноҳукумат ташкилотларининг ролини кучайтириш давлатнинг жамият билан самарали ўзаро алоқада бўлиши механизмларини мустаҳкамлайди².

Германияда фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида эркин ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам мазкур жараёнлар ахборот эркинлигига оид ҳуқуқий механизмлар асосида тартибга солинади. Чунки бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ходимларининг замонавий ахборот бозори шароитида жамият олдидаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини янада чуқур англашига хизмат қилувчи зарур механизмларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам 2003 йилнинг майида Германияда оила, кекса фуқаролар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича кўмитанинг кичик бўлими (Фуқаролик фаоллиги бўйича кичик кўмита) ташкил этилган. Унинг вазифасига Германиянинг фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш тавсияларини бажаришга кўмаклашиш ҳамда ўз йўналишидаги қонун лойиҳалари ва ташаббусларини муҳокама қилиш киради. Шунингдек бу мамлакатда аҳолининг давлат, тижорат ва жамоат ташкилотларига бўлган ишончи учинчи секторни ривожлантиришнинг муҳим мезонлари ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги «биринчи» ва «учинчи» секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни институтсионаллаштириш ҳар икки томон учун фойдали ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик сиёсатини белгилаб берадиган ҳужжатлар давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг муайян босқичи учунгина фойдали бўлади. Уларда давлат ҳокимиятининг фуқаролик жамияти ролига нисбатан янгича нуқтаи-назари акс этади ва учинчи сектор ташкилотлари билан самарали ўзаро ҳамкорлик асослари яратилади³. Германияда учинчи сектор фуқаролик

² Курбатов В.И. Современная западная социология: Аналитический обзор концепций: Учеб.пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. – 416с.

³ Сморгунов Л.В. Современная сравнительная политология. Учебник. - М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2002. - 472с.

жамияти, фаол фуқаролик ва бирдамлик ҳисси яқин-яқингача фақат сиёсатшуносларни қизиқтирган тушунчалар эндиликда барча ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари томонидан муҳокама қилинмоқда. Бунинг сирини нимада? Нима сабабдан бугун унинг аҳамияти бунчалик ошган? Биринчидан учинчи сектор – фуқаролик жамиятининг ташкилий инфратузилмаси – узок йиллар давомида ривожланувчи иқтисоднинг муҳим тармоғига айланди. Масалан, биргина Германиянинг ўзида 1990 йилдан 1995 йилгача у 30% ўсди. Бундан маълум бўладики, учинчи сектор меҳнат бозори учун алоҳида аҳамият касб этади. 90 йил ўрталарига келиб Германия аҳолисининг тахминан 2,1 млн. (иш билан банларнинг 5%) ноижорат секторда бўлган. Бошқа мамлакатларга нисбатан Германиянинг учинчи сектори ўзининг иқтисодий аҳамиятига кўраўртгача ҳисобланади. Унчалик катта бўлмаган бошқа Ғарб мамлакатлари - Нидерландия, Ирландия, Белгия – бу жиҳат бўйича 10% гача чиққан холос. Сабаби давлат ва учинчи сектор ўртасида бевосита ва узлуксиз ҳамкорлик бу мамлакатларда Германия даражасида ривожлантирилмаган. Германияда давлат ва учинчи сектор ўртасидаги субсидарлик тамойилининг қўлланилиши беғараз ёрдам билан чегараланади. Иқтисодий жиҳатдан Германияда учинчи сектор давлат молиявий ресурсларига боғлиқ. Беғараз фондлар ва уларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши учинчи секторнинг давлатга боғлиқлигини оширади. Ва бу жиҳат айниқса бошқа давлатлар билан солиштирилганда яққол намоён бўлади. Катта молиявий ёрдам олишда ифодаланувчи сиёсий партиялар ва давлатга яқинлик учинчи сектор элементларини фуқаролик жамиятидан ташқарида бўлишига ва квазидавлат секторига киришига олиб келади. Бирок учинчи секторэзгу ишлар ҳомийлигидан иборат эмас. Ташкилотларда ўтган вақт учун тўланмайдиган пул миқдори тўлиқ бандликдаги миллионлаб одамларга тўланадиган пулга тенг бўлган. Жамоатчилик асосидаги фаолиятнинг манбаи бўлган бирдамлик ҳисси фуқаролик жамияти мавжудлигининг муҳим асоси ҳисобланади. Охирги тадқиқотлар кўрсатишича, Германияда 14 ёшдан катта бўлганларнинг 34% жамоатчилик асосида (учинчи сектор ташкилотларида - 80%) фаолият олиб бориб, бунга ҳафтасига ўртгача 5 соат вақтини сарфлайди.

Охирги уч ўн йилликда Германияда фондлар сони тобора ошиб бормоқда. Уларнинг фаолияти қонуний асос билан мустаҳкамланади. Улар орасида янги турдаги фуқаролик ёки шаҳар фондлари бўлиб, бунда ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар ҳамкорлик асосида маҳаллий миқёсда у ёки бу муаммони бартараф қилиш йўлида бирлашади. Германиянинг янги эрларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. 1990 йилда Шарқий Германияда ҳақиқий портлаш бўлган, бунда 80.000 то

100.000гача жамиятлар ташкил топган. Германияда тузилган ташкилотлар ўзига хос жиҳати ижтимоий-сиёсий жиҳатдан марказий соҳалар – атроф-муҳитни сақлаш ва халқаро фаолият жабҳасидаги динамикаси билан боғлиқ. Учинси сектор ташкилотлари аъзоларининг тобора ошиб бориши унинг одамлар ҳаётига кириб борганлигидан далолат беради. Қолаверса, учинчи сектор кўп жиҳатдан жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш ва инноватсияларга нисбий лаёқатидан далолат беради. Яъни бу фаолиятдаги янгилик асосан ҳукумат фаоллик кўрсатмаган соҳаларда юзага келади.

XX асрнинг 80-йиллари охири - 90-йиллар бошида тоталитар тузумдан эндигина халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислоҳотларининг жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ ва равшан эмас эди. Халқимиз тарихи, дунёқарashi, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналари, манфаатлари ва орзу истакларидан келиб чиқиб фуқаролик жамияти ва демократик принтсипларни ўзида мужассам этган сиёсий тизимни ташкил этишга қодир бўлган Конституция қабул қилинди. Республикада фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг сиёсий ва ҳуқуқий қафолатлари қисқа муддатларда янги Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топди. Натижада фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асослар туғилди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислоҳотлари энг мураккаб ва машаққатли синовларни кутмоқда эди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали сақланмоқда эди. Шунингдек, халқнинг ҳам ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узоқ эди. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг асосий қафолати, яъни уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадларида 1991 йилнинг 15 феввалида Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ яккаҳоқим мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш...»⁴

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. -Тошкент: Адолат, 1993.-Б.155.

мақсадларида тузилади. Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари - жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Мамлакатда «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти куриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса асосан, фақат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникатсияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари марказий давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифалари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун ҳуқуқий асослар ва сиёсий шарт-шароитлар яратишга доир ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари ҳам асосан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш белгиланди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадларида «ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш»⁵ вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, «ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш» муҳим вазифалар сирасига киритилди. Мамлакатда икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқликда

⁵ Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. //Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Тошкент: Ўзбекистон, 2005.-Б.181.

нодавлат нодавлат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турли туман ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятни доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш учун кенг шарт-шароитлар ва ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат ва қонунлар томонидан қафолатланиши ислохотларни янада чуқурлаштириш учун имкониятлар яратди. Шу билан бирга, Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислохотларининг бошланиши ҳам давлат ҳокимияти тизими ва жамият институтларини ҳар томонлама модернизациялаштириш ва ислох этиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни янада кенгайтди. Авваламбор, парламент ислохотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар - парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турли-туман манфаатларни қонунлар ва сиёсий қарорларда ифодалана олиш имкониятлари яратилди. Албатта, бу ўзгаришлар фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардан бири - фуқаролар истақлари ва манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида давлат иродаси ҳамда давлат вазифаси даражасига кўтариш амалиётига эришилди. Шунингдек, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунлар қабул қилишнинг ўзига хос имкониятлари яратилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуриш масаласида ривожланган мамлакатларнинг илғор тарихий тажрибасини чуқур ўрганиш натижасида фуқаролик жамиятини барпо этишдаги «Ўзбек модели»нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унинг назарий қарашлари «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалиётида ўз ифодасини топиб бормоқда.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалар.
2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш.
3. Коррупцияга қарши курашишда ННТларининг ўрни.
4. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳуқуқий асослари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
5. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
6. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
7. Хакимов Н.Х., Садиқов А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Коррупция нима? Илмий адабиётларда унга қуйидагича таъриф берилади: ”Коррупция—шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”.

Коррупция атамаси лотинча “*corruptio*” сўздан олинган бўлиб, пора бериб сотиб олиш, бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш деган маъноларни англатади. Одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Жамиятда коррупция оддий халқ вакилларининг юқори амалдорларга ёхуд давлат амалдорларининг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Ушбу салбий ҳолатнинг ҳар қандай кўриниши жамиятни ҳалокат ёқасига олиб бориши муқаррардир. Коррупциянинг тарихи антик даврларга бориб тақалади. Қадимги Юнонистон давлатида оддий халқ вакиллари оқсоқолларга ва турли даражадаги амалдорларга совға-саломлар беришган. Худди шундай ҳолатлар қадимги Мисрда ҳам кузатилган: бу ерда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам ўзбошимчалик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омил, барча мамлакатларга таҳдид солувчи мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳодисадир. Зеро, бу омил туфайли давлатнинг ривожланиши секинлашади, ҳукумат тизими ишдан чиқади, демократик институтларга путур етади. У сайлов жараёнларига салбий таъсир қилиб, қонун устуворлигига жиддий зиён етказади. Шу билан бирга, унинг таъсири остида фуқароларнинг ижтимоий адолатга, ҳақиқатга ва давлат органларига ишончи йўқолади. Ҳар қандай жамият учун ушбу жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан биридир. Бизнинг давлатимиз коррупциянинг олдини олиш ва унинг илдизларига барҳам бериш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. 2003-йил 9-

декабрда БМТ нинг Коррупцияга қарши конвенцияси имзоланганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Республикамызда ушбу жиноятга қарши кураш соҳасида мақсадли сиёсат олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу соҳада қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органларининг, жамиятнинг очиқлигини таъминлаш, ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш ва бу соҳада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари давлатимиз раҳбариятининг диққат марказидадир.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принципларини белгилашда бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масаласи қатъий ҳисобга олинган. Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган одам учун улуғ нарсалар, мўтабар туйғуларнинг қадри йўқолади. Бундай одамлар ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлайди. Улар иймон-этиқодга ишонмайди, айна пайтда бундай кимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани инониб бўлмайди. Чунки улар ота-онаси, қариндош-уруғлари, ёр-у биродарлари, маҳалла-қўйнинг юзини ерга қаратишдан, бошини эгишдан уялмайди.

Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Ҳаммамиз яхши биламиз, қонун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб беради.

Агар қонун ҳаётда ишламаса, унинг бир неча варақ оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Шундай экан, «коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси изига тушиб кетади», деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади. Коррупция балосидан қутулиш, ислохотларни унинг чангалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиз ўйлашимиз, бунинг заруратини ҳар биримиз юрагимиздан ўтказишимиз, унга қарши қатъий курашишимиз керак. Бу кураш кундалик ҳаётимиздаги оддий ҳолатлардан бошланади. Шифокордан яхшироқ маслаҳат олиш, навбатни тезлаштириш, рейтинг дафтарчасига тузукроқ баҳо қўйдириш ва шу каби вазиятларда ўзимизни муносиб тутишимиз лозим бўлади. Тўғри, ҳаётда турли ҳолатлар ва ҳаракатларга дуч келамиз. Баъзида кўз ўнгимизда қонунлар бузилади, инсон ҳуқуқи, кадр-қиммати поймол этилади. Бундай вазиятларда чорасизликдан одамнинг боши гангиб қолади. Лекин, унутмайлик, халқимизда “Қасални

даволагандан кўра унинг олдини олган афзалдир” деган нақл мавжуд. Жамиятимиздаги ҳар қандай жараёнга лоқайд муносабатда бўлмаслик барчамизнинг устувор бурчимиздир. Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашишни биз, энг аввало, ўзимиздан бошлашимиз даркор. Бунинг учун эса шахснинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада шаклланган бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

2. Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги каттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда каттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги каттиқ қораланади. Жумладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Куърони Каримда “Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” дейилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тоборо кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импечментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади.

Икки хил маънони англатувчи қонунлар — ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ

миқдори йўқлиги судьяда уни ўз хоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги — аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойданишга қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги — мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгида ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилинининг бузилиши — айнан битта фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши:

3. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунё давлатларида жамият ривожига ёв бўлаётган коррупция хавфига қарши курашишни таъминлашга қаратилган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан:

– Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқий кодекси (Нью-Йорк, 1996 йил 12 декабрь);

– Коррупция бўйича жиноий жавобгарлик конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

– Коррупция бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 4 ноябрь) ва мазкур Конвенцияга қўшимча протокол (Страсбург, 2003 йил 15 май);

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003 йил 31 октябрь) ва бошқалар қабул қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб “**9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни**” сифатида нишонланмоқда. Ушбу кунда БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенция”ни тан олган, аъзоси ҳисобланган давлатларда турли тадбирлар ва акциялар уюштирилади, плакат ва варақалар чоп этилади, шунингдек оммавий ахборот воситаларида коррупцияга қарши курашиш масаласидаги ахборотлар фаоллашади.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик асосида, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг 2008 йили БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул

ҳаракат режасига қўшилиши – коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши курашнинг қуйидаги усуллари мавжуд.

Ички назорат —бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратишни тақазо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишдир. Ҳозирги кунда бизнинг юртимизда ҳам бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида айнан шу вазифани бажарувчи ички тузилмалар яратилган.

Ташқи назорат — бу усулда ижро аппаратидан мустақил тузилмаларнинг мустақиллигини ошириш назарда тутилиб, айнан ушбу тузилмалар орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилади. Яъни, суд ҳокимиятининг максимал даражада мустақиллигига эришиш оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик бериш ва ҳ.к.

Сайлов тизими орқали курашиш —демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усулларида бири кейинги сайловларда унга овоз бермаслик ҳисобланади. Коррупцияга сайловлар орқали таъсир ўтказиш энг самарали усул ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган Швеция, Сингапур, Гонконг, Португалия каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда Конституциявий назорат органлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг аҳамияти ортади. Яъни, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган нормаларни конституциявий назорат органи томонидан конституцияга зид деб топиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби методлардан унумли фойдаланиш ушбу давлатларни коррупция даражаси жуда паст бўлган давлатлар қаторига олиб чиққан. Биз қуйида Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда қўлланилган усуллар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Сингапур давлати 1965 йил мустақилликка эришгач коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турар эди. Лекин бу иллатга қарши ўтказилган бир қатор тадбирлар бу давлатда коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда бу ерда бюрократик жараёнлар енгиллаштирилиб суд тизимининг мустақиллиги оширилди (судьяларнинг даромадлари ва имтиёзларини ошириш эвазига). Шу билан бирга коррупция жиноятлари учун санкциялар оғирлаштирилиб, фуқароларга

коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишда бош тортганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий “тозалашлар” ўтказилиб бу жараёнлар телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш қилинди. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси Сингапурни қисқа муддатларда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатида илғор давлатлар қаторига олиб чиқди. Шунингдек, давлат хизматчисининг ахлоқ стандартларига риоя этишини қаттиқ назорат остига олиш ҳам Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда муҳим дастаклардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жиноятчи унсурларнинг хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдириши, бу эса ўз навбатида, мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келишини кейинчалик БМТ томонидан ҳам тан олиниб, 2003 йил 9 декабрда Мексиканинг Мерида шаҳрида коррупцияга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш мақсадида 3 кун давом этган конференция ташкил этилди. Бу конференция давомида 100 дан ортиқ давлат томонидан Коррупцияга қарши халқаро конвенция имзоланди. Конференциянинг биринчи иш куни (9 декабрь) БМТ томонидан бутун дунёда коррупцияга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Ушбу конвенциянинг қабул қилиниши ва кучга кириш (2003 йил 31 октябрь) дунё мамлакатларининг коррупцияга қарши курашдаги ҳамкорлигини янги поғонага кўтарди. Конвенцияда коррупциянинг ривожланиши уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа жамият учун хавфли бўлган салбий омилларга қарши курашга улкан тўсиқ бўлиши мумкинлигига алоҳида урғу берилган.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши.

Давлат ва жамиятнинг ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупция хавфининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги ишлар Республикамизда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ушбу масалада, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасиз бўлмас экан, таъсирчан

жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимлари шахсий таркиб орасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, жумладан қонунчилик, ҳарбий ва хизмат интизоми, одоб-ахлоқ қоидалари ва ички тартибга риоя этилишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган ва *БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 21 ноябр эълон қилинган*.

2003 йил 9 декабрда Мексикада имзолаш учун БМТ коррупцияга қарши Конвенцияси очилди. Бош Ассамблея резолюциясида айтилишича, ушбу халқаро кунни белгилашдан мақсад, коррупция муаммосини тубдан тушуниш ва Конвенциянинг коррупция билан курашиш ва уни олдини олиш борасидаги аҳамиятидир. Резолюцияда ушбу кунни кенг нишонлаш, маълум тадбирларни ўтказишга даъват қилиш ҳолатлари деярли йўқ. Ўзбекистон 2008 йили БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички Комиссия тузилган ҳамда Комиссия Регламенти тасдиқланган. Регламентга асосан, Комиссиянинг асосий вазифалари, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Қўмитанинг таркибий тузилмалари ва тегишли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги №ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури тасдиқланган. Ушбу Фармон ва Давлат дастурини бажариш мақсадида, Қўмита томонидан чора-тадбирлар режаси ва Қўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарадорлик индикаторлари тасдиқланган.

Бундан ташқари, Қўмитада коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича “ишонч телефони” ҳам ишга туширилган, Қўмита ва унинг таркибий тузилмаларида коррупция ҳолатлари бўйича аноним мурожаатлар учун

алоҳида электрон почта очилган Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида эса аноним кутилар ўрнатилган.

Шу билан бирга, Қўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари ва коррупция кўп учраши мумкин бўлган фаолият турлари ва лавозимлар рўйхати тасдиқланган.

Ушбу қоидалар коррупция ва порахўрликка қарши ички назоратни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартибини белгилаб беради. Ушбу Қоидаларда келтирилган талабларни амалга оширишдан мақсад:

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг тизимидаги ходимларни қасддан ёки қасддан қилинмаган жиноий ҳаракатларга тортишга йўл қўймаслик;

Қўмита ва унинг тизимидаги ходимларни жиноий ҳаракатларини аниқлаш, уларга баҳо бериш, ҳужжатлаштириш ва жиноий ҳаракатлар таваккалчиликларини камайтириш;

Қўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этишни таъминлаш;

Бундан ташқари, мазкур Қоидаларда коррупциянинг турлари ва шакллари, совға бериш ва совға олиш, лоббистлар фаолияти, коррупцияга қарши курашиш соҳасида манфаатлар тўқнашуви ҳамда саҳоватпешалик фаолиятига тушунтиришлар берилган;

Тасдиқланган “йўл ҳариталари”га мувофиқ, ички Комиссиянинг ишчи органи томонидан мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Юристар малакасини ошириш Маркази, Тошкент юридик институти вакиллари иштирокида коррупцияга қарши курашиш мавзусида семинарлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистоннинг 2008 йили БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилиши – коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Даставвал коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган Бюджет кодекси, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”, “Электрон ҳуқуқ тўғрисида” ва “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунининг қабул қилиниши – давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимни яратиш имконини берди.

2020 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик:

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари** асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Президентнинг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланади.

Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;
- коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;
- коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда

- коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш;
 - давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш тизими жорий этиш;
 - давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
 - бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш;
 - халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;
 - социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш ва коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
 - коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш.

Фармон билан Агентлик ҳар йили ОАВда эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлис палаталарига киритади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджга зарар етказувчи коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради.

Қолаверса, коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузишни ташкиллаштиради.

Фармон билан Агентликка куйидаги ҳуқуқлар берилмоқда:

- бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни **талаб қилиш, олиш ва ўрганиш**;
- ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;
- **жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини** кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;
- давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **коррупция ҳолатини ўрганиш**;
- коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;
- ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни **фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан жиноят ишларини қўзғатиш** учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий суриштирувлар ўтказиш**;
- ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш**;
- давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантиришлар** ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритиш.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида **кўриб чиқилиши** ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши **шарт** қилиб белгиланмоқда. Бундан ташқари, Агентликнинг

хужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурий этиб қўйилмоқда.

Шу қаторда, Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли этиб белгиланмоқда. Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозимлиги қайд этилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилмоқда.

Фармон асосида Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланди. Агентликни ходимлар билан тўлдириш конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилади. Шу билан бирга, Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Бош прокуратура Академиясида **махсус ўқув дастурлари** бўйича таълим олади.

Агентлик зиммасига:

- Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чоратadbирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси миллий координатори** вазифа ва ваколатлари юклатилмоқда.
- Агентлик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги

давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи “**E-Anticor.uz**” электрон платформасини ишлаб чиқади. Шу билан бирга, коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус **мобил дастур** яратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича “**Йўл харитаси**” ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича “**Йўл харитаси**” ишлаб чиқилади.

Айтиш жоизки, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида тегишли давлат органлари билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, “Тараққиёт стратегияси” маркази халқаро тажрибани ўрганишга оид таҳлил ва таклифлари билан иштирок этди. Ўрганиш натижаларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 150 дан ортиқ антикоррупцион тузималар фаолият юритмоқда. Коррупцияга қарши курашишга ихтисослаштирилган органлар фаолиятини юритишда Гонконг, Сингапур, Франция, Руминия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Финляндия, Норвегия давлатлари катта тажрибага эга.

Аҳамиятлиси, мазкур ҳужжат коррупция билан самарали курашаётган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши эса норматив-ҳуқуқий ва институционал базани янада такомиллаштириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмини жорий этишга ёрдам беради.

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари

2017 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752 - қарорида Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиясини тузилиши, мазкур Комиссия тўғрисидаги Низомни тасдиқланиши, Мазкур Низомда Комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилганлиги мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш ишларини тизимли равишда олиб борилишига шарт-шароитлар яратади ва коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини самарали таъминланишга хизмат қилади.

Мазкур Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ: Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилот-ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

- коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадор-лигини баҳолаш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бизга маълумки, бугунги кунда, ҳокимлар ва уларнинг турли даражадаги ходимлари, бошқа давлат органларининг ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноят содир этилаётганлиги ҳамда пора билан қўлга тушаётганлиги тўғрисида маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонида тизимли равишда изчил борилаётганлигини кўрсатади.

Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган хабарда давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан:

- 2018 йил 3 чорагида ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириқлари ҳамда жисмоний шахсларнинг мурожаатлари

асосида бюджет ташкилотларида 1334 та давлат молиявий назорат тадбирлари ўтказилганлиги:

- ўтказилган назорат тадбирларидан 1111 тасида молиявий интизомга риоя қилинмай сарфланган маблағлар 16,6 млрд. сўмни, шундан камомад ва ўзлаштиришлар 4,5 млрд сўмни, ноқонуний харажатлар 12,1 млрд сўмни ташкил этганлиги;

- шунингдек, ҳисобот даврида бюджет интизомини бузган бюджет ташкилотларининг 20 нафар раҳбар ва мансабдор шахслари 13,9 млн. сўм миқдорида маъмий жавобгарликка тортилганли маълум қилинган.

Мазкур Қонуннинг 14-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасига биноан оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши қуйидаги тарзда мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра оммавий ахборот воситалари:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Экспертларнинг фикрича қайси соҳада коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тизимли равишда йўлга қўйилмаган бўлса, ушбу соҳа ривожланмаётганлигини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция илллати йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг чиқиш ва марузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келмоқда. Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари ўзининг сайлов олди маърузаларидан бирида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, “бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз - мамлакатимиз ривожига тўсик бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат” деб таъкидлаган эди.

“2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ҳояси солиқ юқини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутати. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторларга учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юқини камайтириш бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқимиз зарур”.

Бизга маълумки, солиқ ставкаларини пасайтирилиши ёки айрим солиқларнинг бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган тушумлар албатта камаяди. Бу масалани солиқ маъмурчилиги орқали бартараф этиш мумкин, яъни шу вақтгача фаолият юритаётган “яширин” иқтисодиёт жамиятда қонуний иқтисодиётга айланиши натижасида инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигида рағбатлан-тиришни ҳуқуқий жиҳатдан

мустаҳкамлаш тадбиркорлар, бизнесмен-лар фаолиятини янада ривожланишига ҳамда ялпи миллий даромадда хусусий мулкнинг улушини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, кўпчилик халқаро экспертлар томонидан ҳар бир давлат ва мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ролини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш ва улар билан давлат органлари ҳамкорлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири эканлигини қайд этадилар.

Биз шуни қайд этишимиз лозимки, илгари юртимизда коррупция муаммоси тўғрисида сўз очиш деярли мумкин эмас эди.

Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш давлат ва жамият олдида турган энг муҳим масала сифатида ҳал этилиши лозимлиги шундан иборатки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг таркибий қисми сифатида мазкур вазифани ечимини топиш давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам коррупцияга қарши таъсирчан механизмларни қўллаш муҳимлиги қайд этилган эди.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида давлатнинг мазкур иллатга қарши курашиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, уларни реал ҳаётга татбиқ қилиш учун тизимли равишда ишлар давлат органлари томонидан олиб борилаяпти.

Бугунги кунда, халқаро субъектлар ҳамда жамоат арбоблари томонидан тан олинган мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотларнинг йўл харитаси ҳисобланган Ҳаракатлар стратегиясида мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юқорида қайд этилган қонун ва қонун ижросини таъминлашда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш мамлакатимизда фуқаролик жамиятни ривожлан-тиришга хизмат қилади.

Албатта, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва энг муҳими коррупциянинг олдини олиш ишларини ташкил этишга қаратилган мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари-билан давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни замон талаблари даражасида ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга

қўйиш коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ижросини таъминлашда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг адолат қарор топган жамиятда яшаши учун масъул бўлган давлат идоралари ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этмоқдалар, аммо, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларига ҳар бир фуқародан ушбу масалага ўзининг фуқаролик бурчи сифатида ёндошиб бу ишларга ўз хиссаларини қўшиши лозимлигини қайд этиш жоиз.

Бу ишларни амалга оширишда энг муҳим масала бизнинг фикримизча юртдошларимизда коррупцияга, умуман олганда ҳар қандай кўринишдаги қонунбузарликка нисбатан муросасизлик кайфиятини мунтазам равишда шакллантириш талаб этилади.

Жамиятда қонунбузарликни содир этилишида айниқса коррупцияга доир жиноятларни содир этилишида кўпинча фуқароларимизнинг лоқайдлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги ҳамда айрим тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг юридик билимларини жуда паст даражада эканлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга эришиш учун давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари бу соҳада ҳамкорликни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиши зарур бўлади.

Ривожланган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланишларидан бизга маълумки, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарувчи вазиятларни олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда бу соҳада ишларни ташкил қилишда “Ижтимоий шерикчилик”, “Жамоатчилик назорати”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ижросини жамиятда ижросини таъминлашда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорликларини янада юқори босқичга кўтариш орқали у ёки бу мансабдор шахснинг фаолиятини холисона баҳолаш орқали амалга оширишни йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ўзига хос жиҳатлари ва бу соҳанинг ташкилий-амалий хусусиятлари ижтимоий шериклик шартномасида аниқ белгилаб қўйилиши коррупцияга қарши курашиш ишларини самарадор-лишигини оширишга хизмат қилади.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири **биринчидан**, бу-фуқаролар устидан босим ўтказиш эмас, балки,

фуқароларнинг конституцияда ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда уларга ёрдам беришга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги бўлса, **иккинчидан**, жамиятда уларнинг фаолиятини самарали ишлаши учун давлат томонидан ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилиши орқали намоён бўлади.

Бизга маълумки, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бешта устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва мазкур қонунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектларининг бири сифатида белгиланиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантириш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш вазифасини қўйди.

Мазкур вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Давлат раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларининг мамлакатни янада жадал ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган жамиятдаги барча ҳаракатларни ҳамда замонавий демократик институтларни очик-ошкора майдон сифатида бирлаштирувчи Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир давлат органи ҳузурида ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича **жамоатчилик кенгаши** фаолиятларини янада юксалтириш учун мазкур жамоатчилик кенгаши аъзолигига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари киритиш орқали ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш яхши натижа бериши мумкин. Шунингдек, ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиниши мазкур соҳаларда коррупцияни олдини олишга хизмат қиладди.

Ҳар бир давлат органи ҳузурида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга жорий қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамда бошқа идоралар билан тизимли

хамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни танлаш, айниқса, раҳбар ходимларни тайинлашда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича билим даражасини тестлар орқали ўрганишни жорий қилиш давлат органлари фаолиятида шафоқлик ва очиқликни таъминлашга олиб келади.

Бугунги кунда, давлат раҳбаримиз томонидан бир қатор соҳаларда коррупцияни олдини олишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди жумладан:

- “Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, ушбу қонун қабул қилинишидан олдин бу соҳани 30 ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши оқибатида давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги натижасида кўп босқичли келишлар ҳамда такрорловчи тартиблар айрим ҳолларда коррупцияга шароит яратилганлигини кўриш мумкин. Мазкур қонун давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат харидлари очиқлиги ҳамда шафоқлигини таъминлаш орқали бу соҳада коррупцияни олдини олишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажарилишига Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтишга хизмат қилади;

- Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эса, юқорида қайд этилган тақиқланган гуруҳлар ва ташкилотларга адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанга, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини берилганлиги ҳамда инсонпарварлик принципларига асосланганлиги билан аҳамиятлидир;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизм-ларини жорий қилиниши натижасида инвестиция ва ишбилар-монлик муҳитини яхшилаш,

экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш борасида изчил тадбирларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги айрим ноқонуний операцияларга ҳамда бу соҳада мавжуд бўлган коррупциявий ҳолат ҳисобланган жумладан, валюта сиёсатига маъмурий аралашувларга барҳам берилишига эришишда муҳим аҳамият касб этди.

Давлат раҳбарининг 2018 йил 18 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, республика озиқ-овқат бозорларини сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида қабул қилинганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Фармоннинг 1 - бандига мувофиқ 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, бошқа преференциялар бекор қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикага озиқ-овқат товарларни импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи қарорларни қабул қилиниши тақиқланганлиги ушбу банд талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилганлиги мамлакатнинг озиқ-овқат бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда куйидаги масалаларни эътиборга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

коррупция ва унинг оқибатлари жамият ривожланишига тўсик бўлаётганлиги, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси содда ва тушунарли тилда ҳуқуқий жиҳатидан шарҳланган ҳолда жамоатчиликни ҳабдор қилиш; ҳар бир соҳада коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали қонунчиликни ҳамда ички тартиб қоидаларни такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳар бир давлат органида ўз ходимларини коррупция ҳолатларидан огоҳлантириш ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқиш ва уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини таъминлаш орқали коррупцияга сабаб бўлувчи ҳолатларга барҳам беришга эришиш;

жамиятда коррупция жиноятини содир этган шахсларга нисбатан яъни коррупционерларга нисбатан жазо муқаррарлиги мамлакатимизда қонун устуворлиги асосида таъминланётганлиги хусусида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда кенг ёритиб боришни йўлга қўйиш;

ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олиш ишларини ташкил этишга кенг жамоатчиликни, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш коррупцияга қарши ишларни самарадорлигини ошириш;

ижтимоий-иқтисодий соҳада фаолият юритаётган давлат органлари тизимида маъмурий-бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни янада соддалаштириш; -давлатнинг ваколатли органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини янада такомиллаштирилган ҳолда мустаҳкамлаш;

давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг назорат қилишнинг масофавий шакллари-ни кенг жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўз ваколатлари доирасида таклиф ва тавиялар бериш;

Ҳар бир соҳада ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб, “Ахлоқ-одоб қоидалари”ни тасдиқлаш, мазкур қоидаларнинг алоҳида бўлимида коррупцияга қарши курашиш қоидаларни белгилаб қўйиш;

Ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш ишларни ташкил этиш ходимларнинг бу соҳадаги жавобгарликларини ички локал ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйишда юридик хизмат ролини ошириш коррупцияни олдини олиш ишларини самарали бўлишига хизмат қилади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. “Қонун ҳукумрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади.” Ушбу жумлалар муаллифи ким?
2. Қачонга келиб коррупция халқаро муаммога айланади?
3. Қайси давлат порахўрликка қарши курашган биринчи давлат ҳисобланади?
4. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил коррупция муаммолари юзасидан ўтказилган минтақалараро семинар қаерда ўтказилган?
5. Коррупцияга қарши курашишда ННТларнинг ўрни қандай?
6. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳуқуқий асосларини тушунтириб беринг?
7. Коррупция тушунчасининг пайдо бўлиши ва эволюциясини моҳиятини ёритиб беринг?
8. Коррупция тушунчаси ва уни тадқиқ етишдаги ёндашувларни асослаб беринг?
9. Коррупцияга қарши курашда идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари нималардан иборат деб ўйлайсиз?
10. Коррупцияга қарши курашда активлар деклорацияси аҳамияти қандай?

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Аболиционизм	(лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.	(lat. cancellation) a mass action aimed at the abolition of a law. Participants in the movement, which began at the end of the XVIII century and in the first half of the XIX century in the US to free the Negroes from slavery, were called – the abolitionist.
Автономия	(юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1. Ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2. Маъмурий-худудий бирлик; 3. Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.	(Greek. autos+nomos-self+Law); 1. granting self-government powers to territorial-national structures (region, country) at the level of a single state; 2. Ma Muri - territorial unit; 3. The right to self-government in the activities of some organs (farm, state, party, etc.).
Автономия	(юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1. Ягона давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2. Маъмурий-худудий бирлик; 3. Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.	(Greek. autos+nomos-self+Law); 1. Granting self-government powers to territorial-national structures (region, country) at the level of a single state; 2. Ma Muri - territorial unit; 3. The right to self-government in the activities of some organs (farm, state, party, etc.).
Агрегация	(лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш,	(lat.) non-governmental and public organizations aggregate certain interests,

	<p>яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади</p>	<p>that is, through various discussions and discussions, different interests are harmonized and a certain system of relations is formed between them. In this process, the main and important interests are selected and measures and measures are taken to satisfy them</p>
Адвокатура	<p>ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган</p>	<p>the legal institution includes independent, volunteer, professional associations of persons engaged in advisory activities. Your own.Usage provides legal assistance to citizens, foreign citizens, stateless persons, enterprises, institutions, organizations. The law of the Republic of Uzbekistan on advokatura was adopted on December 27, 1996</p>
Адлия	<p>(араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама</p>	<p>(Arabic.- Justice) - a term denoting the entire set of judicial institutions, their activities for the implementation of Justice, as well as the judicial office</p>
Алармизм	<p>интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – яровий, экологик в.х. – борасида огоҳлантиради</p>	<p>intellekt modern ideological flow uniting professionals and experts. It is a global problem that poses a threat-ecological, environmental v.the x. -</p>

		warn ontiradi
Амнистия	жиноят содир этган шахсларни жинойи жавобгарликдан тўлик ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади	the release of persons guilty of a crime from criminal liability in full or in part, as well as the removal of conviction from persons who have previously passed the sentence established by the court. The amnesty act has a normative nature, that is, it applies to all persons who meet the requirements established by the amnesty act
Анахронизм	(юнон. ana-орқага, chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш	(Greek. ana-back, chromos-time, time); to replace events or events of one period with another without error
Артикуляция	(лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоий руҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълумсиёсий мақсадлар ва талабларга айлантириш жараёнини англатади	(lat.) non-governmental and public organizations mean the process of transforming the views, social experiences and expectations of the individ and social groups into clear and informed goals and requirements
Бозор иқтисодиёти	товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир	it is an economic system that is organized and managed in accordance with the laws of commodity production, turnover and monetary circulation
Бозор механизми	бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий	it is the support and tools that ensure the regulation of the functioning of the

	жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир	market economy and the harmonization of economic processes
Ватанпарварлик	Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат	Freedom and prosperity of the motherland, inviolability of its borders, self-sacrifice for the protection of its independence, the strength, knowledge and experience for the honor, glory, happiness of the Native people is a human feeling, which symbolizes the most sacred and noble activity in the world as a gift of all life. Patriotism is a virtue inherent in Persons with a deep respect for the history and fate of the native land, people, capable of showing examples of self-sacrifice in the interests of Vatan
Виждон эркинлиги	фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи	the right of citizens to the religion they want or not to any religion
Гуманизм	(инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқараш	(humanism) – integrated worldview of ideas of equality, justice, mutual respect, pursuit of human dignity, care for the well-being of people
Демократик институтлар	жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси	democratic principle in the life of societyllarni a complex of organizations and structures that serve to find a decision

<p>Диверсификация</p>	<p>лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонлама турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш – иқтисодий таваккалчиликнинг хавфли оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлаштириш</p>	<p>the lot. diversification-change, diversity, activity in all directions and development in different directionstirishga get a strategic goal. For example, the diversification of capital – the place of capital funds between different objects in order to reduce the dangerous consequences of economic risks</p>
------------------------------	--	--

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари

- тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
 12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
2. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
3. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
4. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
5. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
6. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
7. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
8. Борис Капустин Гражданство и гражданское общество. – М.: “Высшая школа экономики”. 2011. – 224 с.
9. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
10. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.
11. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.
12. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.
13. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов

- гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.
14. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktriya press, 2015.
 15. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
 16. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
 17. Ли Кан Ю Из третьего мира - в первый. История Сингапура. 1965-2000. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 420 с.
 18. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т.: “Ғофур Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
 19. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.
 20. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
 21. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
 22. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
 23. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
 24. Р.Хасанов, А.Ўтамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Ўқув қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.
 25. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Булгакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
 26. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с англ. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.
 27. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.
 28. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.:

- “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.
29. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
30. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
31. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
32. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Гоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. – 96 б.
33. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.
34. Хақимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

IV. Интернет сайтлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
3. www.Ziyonet.Uz
4. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
5. <https://foxford.ru/wiki/obshchestvoznaniye/grazhdanskoe-obshchestvo>
6. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>
7. https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyrl
8. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>
9. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>